



## JANGOVAR GURUH IMKONIYATLARI

4-sahifa ▶▶

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqqan boshlagan ● 2022-yil 7-oktabr, №40 (2999)

YANGI O'ZBEKISTONDA EL AZIZ, INSON AZIZ

# VATANPARVAR

www.mv-vatanparvar.uz IJTIMOIIY-SIYOSIY, MA'NAVIY-HARBIY-VATANPARVARLIK GAZETASI



## SAFLARIDA FARHODLARI BOR

3-sahifa ▶▶



## KIBER JINOYATCHILIK

7-sahifa ▶▶



“KEKSALARNI E'ZOZLASH,  
ULARGA HURMAT-  
EHTIROM KO'RSATISH –  
XALQIMIZGA XOS EZGU  
FAZILAT”



## FIDOYILAR HURMATDA

11-sahifa ▶▶

@ vatanparvar-bt@uamail.uz

t.me/mv\_vatanparvar\_uz  
t.me/mudofaavazirligi

facebook.com/mudofaavazirligi

instagram.com/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya

14

KO'ZLARIMIZNI  
KATTAROQ  
OCHAYLIK

15

HARBIYLAR  
SAFIDA  
52 YIL

16

“ALQOR,  
NEGA KO'ZING  
TO'LA YOSH?”

Tahririyat  
haqida  
ma'lumot



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИНАМАНГАН ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ИНСТИТУТИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек, республикада тўқимачилик sanoатидаги малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида:

1. Наманган шаҳрида **Наманган тўқимачилик sanoати институти** (кейинги ўринларда – **Институт**) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Институтда ўқув жараёни **2023/2024 ўқув йилидан бошланади** ва кредит-модуль тизими асосида ташкил этилади.

2. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

**Тўқимачилик sanoати тармоқлари** учун меҳнат бозорида рақобатбардош, юқори малакага эга **олий маълумотли ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш**, шунингдек, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

**Таълим дастурларини етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда**, жумладан, қўшма таълим дастурлари асосида жорий этиш ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш;

**Таълим билан ишлаб чиқаришнинг интеграциясини кучайтириш**, соҳа ташкилотларида талабаларнинг малакавий амалиётини йўлга қўйиш, кафедра филиалларини ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг стажировкасини ташкил этиш;

Ўқув жараёнини **талабаларда мустақил билим олиш**, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан, **тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтириш**;

Ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибани, жумладан, **замонавий таълим технологияларини татбиқ этиш**, очиқ ахборот-таълим муҳитини таъминлаш;

**илмий-педагогик салоҳиятни ошириб бориш**, жумладан, профессор-ўқитувчилар стажировкаси ва малака оширишини нуфузли маҳаллий ва хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот марказларида ташкил этиш.

3. Белгилансинки, Институтда таълим жараёни нуфузли **хорижий давлатлар олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда**, жумладан, қўшма таълим дастурлари асосида ташкил этилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Президент таълим муассасалари агентлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ва «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси билан ҳамкорликда:

а) **2023/2024 ўқув йилига қадар** тўқимачилик sanoати ривожланган **хорижий давлатлар олий таълим ташкилотларини ҳамкор** сифатида белгилаб, Институт таълим жараёнини замонавий ўқув дастурлари асосида ташкил этсин;

б) **2023/2024 ўқув йилидан бошлаб**:

Институт профессор-ўқитувчилари, докторантлари ва магистрантларини хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим ташкилотларига **илмий стажировка ва малака оширишга** юбориш чораларини кўрсин;

Институт **талабаларининг таълим ва малакавий амалиётини** хорижий ва маҳаллий йирик тўқимачилик корхоналарида ўташ тизимини жорий этсин;

Институт талабаларининг фанларни ўзлаштириш кўрсаткичини ва профессор-ўқитувчиларнинг иш самарасини **халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизимини** жорий этсин;

в) **2024/2025 ўқув йилига қадар** Институт ҳузурида **тўқимачилик технопарки** фаолиятини йўлга қўйсин.

Бунда, Технопарк: Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан жалб этиладиган халқаро ташкилотларнинг грантлари ва салоҳиятли инвесторлар маблағлари ҳисобига, жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этилади;

Институт таъсисчилигида масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилади ҳамда унга технологик махсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва тижоратлаштириш ҳуқуқи берилди;

хўжалик фаолиятдан олинадиган даромадлар, грантлар, ҳомийлик хайриялари, Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

г) **2026/2027 ўқув йилига қадар** Институтнинг камида 2 та бакалаврият таълим йўналиши ва 3 та магистратура мутахассислигининг халқаро тан олинган ташкилотлар **аккредитациясидан ўтказилиши**ни таъминласин.

4. Институт таркибида қуйидагилар юридик шахс мақомисиз ташкил этилсин:

**Тўқимачилик матолари технологиялари** ва уларни тадқиқ қилиш ҳамда Бўяш-пардозлаш жараёнлари технологиялари ва уларни тадқиқ қилиш лабораторияларидан иборат тўқимачилик соҳасида илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланувчи **Илғор тўқимачилик муҳандислиги мактаби**;

таълим жараёнида ва ундан ташқари вақтларда талабаларга замонавий либос кўринишларини яратиш имконини берувчи **Дизайн студияси**;

илмий-тадқиқот ютуқларини тижоратлаштириш ҳамда янги ишланма ва технологияларни амалиётга жорий этиш билан шуғулланувчи **Инновациялар ва технологиялар трансфери маркази**.

5. Институтга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг амалдаги рейтингда олий таълим муассасалари орасида **биринчи 1 000 таликка кирган хорижий олий таълим муассасасининг дастури асосида ўз таълим дастурларини шакллантириш**;

иш берувчилар талабалари асосида ўқув режаларидаги назарий таълим улушини қисқартириш ва амалий машғулотлар ҳажмини ошириш, юқори курс талабалари учун ҳафталик **ўқув машғулотларини «4+2» тартибда ташкил этиш**;

Институт фаолияти йўналишлари бўйича шартнома асосида **маслаҳат ва эксперт-таҳлилий хизматлар**

**кўрсатиш** ҳамда илмий-тадқиқот ва инновацион хизмат кўрсатувчи корхоналарни ташкил этиш;

таълим ва илмий-тадқиқот жараёнига **хорижий мутахассисларни жалб қилиш** ҳамда уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ойлик маош ҳамда бошқа тўловларни белгилаш ва тўлаш;

профессор-ўқитувчиларни ўқув-методик, илмий-тадқиқот ишлари ва «Устоз-шогирд» тизими бўйича бажарган ишларининг натижаси бўйича рағбатлантириб бориш.

6. Қуйидагилар: 2023–2026 йилларда Наманган тўқимачилик sanoати институтини ривожлантиришнинг **мақсадли кўрсаткичлари** 2-иловага мувофиқ; Наманган тўқимачилик sanoати институтида ташкил этиладиган **бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

Наманган тўқимачилик sanoати институтини 2026 йилга қадар ривожлантиришнинг **мақсадли кўрсаткичлари** 2-иловага мувофиқ;

Наманган тўқимачилик sanoати институтида ташкил этиладиган **бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Белгилансинки: Институт юридик шахс мақомига эга бўлган давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида фаолият юритади;

Институтга талабаларни давлат гранти асосида қабул қилиш параметрлари ҳар йили тасдиқланадиган олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси доирасида аниқланади;

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Наманган муҳандислик-технология институтига тўқимачилик sanoати бўйича бакалаврият ва магистратура босқичларида кадрлар тайёрлаш бўйича ажратиладиган **давлат буюртмаси квотаси Институтга йўналтирилади**;

Наманган муҳандислик-технология институтининг тўқимачилик sanoати таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича таҳсил олаётган талабалар ўқиши Институтга кўчирилади;

Институт фаолияти Давлат бюджетни маблағлари, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар, ҳомийлик хайриялари ва грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Наманган муҳандислик-технология институтининг тўқимачилик ўқув лабораторияси жиҳозлари Институт балансида ўтказилади.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) 2023/2024 ўқув йилига қадар: Институтни танлов асосида ишлаб чиқариш ташкилотлари, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида катта илмий ва (ёки) амалий тажриба орттирган мутахассислар, устувор равишда, илмий даражага эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдириш чорасини кўрсин;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда халқаро нуфузли олий таълим ташкилотларида фаолият юритувчи **чет эллик ва (ёки) хорижда яшовчи ватандош профессор-ўқитувчиларни шартнома асосида ўқув** ва Илғор тўқимачилик муҳандислиги мактабининг илмий-тадқиқот жараёнларига жалб этиш чораларини кўрсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда Институт ихтисослашган факультет ва кафедраларининг мос йўналишлари бўйича давлат улушига эга **йирик тўқимачилик корхоналари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича «Йўл харитаси»**ни тасдиқласин;

б) Институтнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида: Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда тегишли магистратура мутахассисликлари бўйича Институт учун кадрларни мақсадли тайёрлаш;

Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда белгиланган тартибда Институт таянч докторантурасига тегишли ихтисосликлар бўйича қабул квоталарини белгилаш чораларини кўрсин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Институт учун янги ўқув бинолари ва талабалар турар жойини қуриш ҳамда уларни жиҳозлаш, Институтнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш лойиҳалари 2023 йил ва келгуси йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

10. Институтга Наманган шаҳар, «Гулбод» МФЙ, Жанубий айланма йўли кўчаси, 17-уй манзилида жойлашган Наманган тадбиркорликни ташкил этиш техникумининг бино ва иншоотлари тегишли ҳудуди билан биргаликда оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилсин.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов ҳамда Наманган вилояти ҳокими Ш.Ш. Абдуразаков белгилансин.

Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 5 октябрь

# Bugunimiz qahramonlari

**ТОНГ ОТДИ... ЖАЛОЛИДДИН  
МАНГУБЕРДИ ТУҒИЛГАН  
МУҚАДДАС ЗАМИННИНГ ЯНА  
БИР ҚУЁШЛИ ТОНГИ. ҚЎХНА  
УРГАНЧДА ИЛК МАРОТАБА  
ҚЎНОҚДА БЎЛИБ ТУРИБМАН.  
ДЕРАЗА ОЧИҚ, ДАРПАРДАЛАР  
ЕНГИЛ ШАББОДАДА БИР-  
БИР СИЛКИНИБ ҚЎЯДИ.  
ШОШИБ СОАТГА ҚАРАЙМАН.  
БИРОЗ ВАҚТ БОР ЭКАН. АХИР  
МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ  
АРАФАСИДА ОЧИЛГАН  
ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ  
ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИДА  
СОАТ ЎНГА УЧРАШУВ  
БЕЛГИЛАГАНМАН...**

**М**

Манзилга енгил автомашинада кетиб боряпман. Меҳмонман-да, ҳайдовчи шинаванда одам экан, она шаҳри ҳақида тўлиб-тошиб гапиради. Бу юртнинг одамларидан тортиб, яқин йилларда шаҳарда амалга оширилган ислохотлар, ўзгаришлардан мамнун бўлиб сўз юритади. Гап орасида шу шаҳарда истиқомат қилишидан фахрланишини таъкидлаб ўтади... Машина ойнасидан тева-рак-атрофга суқ билан термиланган. Ҳа, шаҳар азалдан Хоразмнинг пойтахти бўлиб келган. Ўз даврида Мовароуннаҳрда энг катта шаҳар сифатида тан олинган. Номи Хитой йилномаларида келтирилган. Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Маъмур академиясининг буюк олимлари Беруний, Ибн Сино ва бошқалар Урганчда яшаб, ижод этишган ва дунёга танилганлар. Ҳайдовчини тинглар эканман, ҳаёлан мозийни кезаман, кўз олдимда замонавий шаҳар пешвоз чиқади...

Ва ниҳоят, манзилга етиб келдик. Кенг майдон. Унинг четида ўтириш учун мўлжалланган соя-бонли ўриндиқлар жой олган. Бежирим гуллар. Тошга битилган тарихий маълумотлар. Майдон марказида эса мўғулларга қарши жанг олиб бориб, Чингизхоннинг ҳайратини оширган бобокалонимиз Жалолиддин Мангубердининг пурвиқор ҳайкали от билан бирга қаддини тик тутганча тинчлик ва ҳурлик сари олға интилаётган образда намоён бўлди. Наздимда, ҳайкалтарошнинг юксак ижодий маҳорати маҳобатли ҳайкални ҳа-вода ҳаракатга келтирган эди, гўё...

...Хув-в анави, ҳарбий либосдаги йигит мен билан учрашишга келаётгани аниқ. Бирдан сергак тортидим. Учрашув жойини белгилаётим, «Ҳайкал қошида бўлинг, таниб олишим осон бўлади», деган эдим. Йигит тез юриб, ҳайкал қошида тўхтади. Шунда мен ҳам унинг истиқболга шошдим. У мени самимий табассум билан кутиб олди. Мулоқотга киришимли йигит экан, суҳбатимиз анча самимий руҳда кечди.

**– Узр, бироз куттирдим. Шаҳар тароватидан кўзим қамашяпти. Жуда чиройли масканда хизмат қиларкансиз. Сизга ҳавасим келди. Яқинда давлат мукофоти билан тақдирландингиз. Ҳарбий округимиз жамоаси бу хушxabардан**

**мамнун бўлди. «Фарҳод бунга муносиб», дея алқади. Бежиз, мажмуада учрашаётганимиз йўқ. Рамзий маънога эга бу учрашувимиздан кўзланган мақсад тарихимизда ўчмас из қолдирган қаҳрамон ва саркарда Мангубердининг ҳақиқий издоши, «Мардлик» орденига муносиб, мард ва жасур Ватан ҳимоячиси конт-ракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Фарҳод Тўлаев билан яқиндан танишмоқчимиз.**

– Табрик учун ташаккур, – деб сўз бошлади қаҳрамонимиз. – Асли Бухоронинг Шофиркон туманиданман. Болалигимда тарихга, тил ўрганишга жуда қизиқардим. Орзум – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ўқиб, таржимон сифатида она юртимиз тарихини, бугунини уринишларим зое кетмади. Толиб менга насиб қилмади. Ҳар бир ишнинг хайри бўлар, деганларидек, 2011 йили туман мудо-фаа ишлари бўлими томонидан армияга чақирув қоғози келди. Ота-онамнинг дуосини олганча, муддатли ҳарбий хизматга йўл олдим. Ҳарбий ҳаётга кўникишим осон кечди. Бир йиллик хизмат жуда тез ўтиб кетгандек бўлди. Ватан ҳимоячиси деган шарафли номни елкамда кўтариб юрмоқлик қанчалар масъулиятли бўлмасин, шу йўлдан кетишга қарор қилдим. Бунга яқин синфдош ўртоғимни сабабчи, деб биламан. Нега, деб ҳайрон бўлаётганингизни кўриб турибман. Келинг, шу ҳақда сизга бир бошидан гапириб берай. Мактаб йилларимдан ўртоғим иккимизнинг ўртамазда соғлом рақобат бўларди. Бир-биримиздан устун бўлишга ҳаракат қилардик. Улғайганимиздан сўнг бу рақобат узилмас дўстлик ришталарига боғланди. Синфдошим армиядан сўнг хизматда қолди ва қишлоғимизда у ҳақида илиқ фикрлар айтила бошланганди. Бу вақтда мен ўқишга киролмай ҳуноб бўлиб юрган пайтларим эди. Дўстимга ҳавасим келди. Ана шу ҳис таъсирида армияга отландим. Отам бошида бу қароримга қаршилиқ билдирган бўлдилар, лекин аҳдимдан қайтмаслигим билгач, «Бошинг тошдан бўлсин, болам», деб оқ фотиҳа берди. Мана, шу воқеага ҳам ўн йил

# САФЛАРИДА ФАРҲОДЛАРИ БОР



бўлибди. Вақтни бежиз оқар сув, деб айтишмас экан-да. Ўн йил-дирки Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинларида ҳарбий хизматдаман. Оилалиман. Икки на-фар ўғлим бор. Шу йили тўнғичим биринчи синфга қабул қилинди. Бобо ва бувиси билан мактабга борган ўғлим «Дадамдек ҳарбий бўламан», деб устозига мақта-нибди. Бу хабардан бошим кўкка етди. Гўёки дунёларга сиғмай кетдим. Фарзандларимда ҳарбий соҳага қизиқиш уйғонганидан ғурурандим...

**– Демак, сиз фарзандингиз учун идеал ота бўла олибсиз... Айтганча, ота-онангиз сизга давлат мукофоти топширилган кун ёнингизда бўлишган экан-а, шундайми?**

– Худди шундай. Мукофотни Мустақиллик байрамида тантанали равишда қабул қилиб олдим. Ўшанда ота-онам бизникига меҳмонга келишган эди. Тақдирни қаранг, қувончли кунимда ёнимда бўлишди. Мукофот учун мендан ҳам шу икки қалби чироқларим ҳаяжони кўпроқ бўлди. Онажонимнинг кўзларидаги қувонч ёшлари, отамнинг шодликдан янаям нурли бўлиб кетган юзлари бир умрга юрагимга муҳрланди. Ҳа, аслида ҳар бир ота-она учун фарзанднинг ютуғидан улкан бахт йўқ. Камтарона хизматларим «Мардлик» орденига муно-сиб топилиши бу, энг аввало, ота-онамнинг берган тарбиясига, меҳрига, эътиборига берилган баҳо деб биламан. Ҳар доим Вата-ним, халқим, ота-онам ишончини оқлаш ва уларга муносиб фарзанд бўлишга интиламан.

**– Қизиқшларингиз ҳақида гапириб берсангиз.**

– Техникага қизиқаман. Хизматдан бўш вақтларимда, ўзимча нималарнидир бузиб-созлаш билан шуғулланаман. Яна авто-мобилларнинг янги моделларини яратиш бўйича эскизлар ҳам ишлаб тураман. Йўқ, йўқ, сиз ўйлагандек мен келажакда авто-мобилсозликка даъво қилмайман. Бу шунчаки «хоббим».

**– Китоблар-чи, мутолаа қилиб турсангиз?**

– Ҳозирда «Ҳаёт китоби» муто-лааси билан машғулман. Албатта, бу ҳазил. Ҳа, китоб мутолааси ме-нинг жону дилим. Турмуш ўртоғим ҳам китобсевар аёл. Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек,

фарзандларим китобга алоҳида меҳр қўйиб, улғайишяпти. Уларнинг тарбия-сида эртақ китобларнинг таъсири катта эканлигини билганим ҳолда, ҳар доим эртақ китоб совға қилиб тураман.

**– Охирги ўқиган китобингиз қайси? Шу ҳақда ҳам гапиринг.**

– Охирги ўқиган китобим Саид Аҳмад-нинг «Уфқ» романи бўлди. Унда Иккинчи жаҳон урушининг оловли йилларида ўзбек деҳқонларининг фронт ортида кўр-сатган қаҳрамонликлари, шу билан бирга урушдан олдинги ва кейинги давр му-аммолари рўй-рост кўрсатилган. Ўқувчи ҳаёт машаққатларидан сабоқ чиқаради, инсонийлик, муҳаббат айнан қийинчи-ликлар таъсирида тобланишига амин бўлади. Бир сўз билан айтганда, ёзувчи асарда халқ бошига тушган мусибатни, одамлар кўксига армонни, қийинчилик ва мусибатни енгишга қодир мислсиз жасорат ва шижоатни жуда таъсирли ифода этган.

**– Айтинг-чи, сизнинг наздингизда тинчлик қандай тушунча?**

– Ҳар куни кўзимни очганимда юртим-нинг осойишталиги, ота-онам, яқинла-рим, ҳаётлиги бу – тинчлик. Хизматдан эсон-омон уйга қайтганимда, шодон болаларимнинг бағримга отилиши, улар билан бахтиёрлигим бу – тинчлик. Тинч-ликни ана шундай тасаввур қиламан.

Камтарона жавоб замирида Фарҳод-нинг ҳаёт фалсафаси акс этгани, шубҳа-сиз. Шу пайт суҳбатдошимнинг телефо-нига кўнғироқ бўлди. Гўшакни қўяркан, «Кечирасиз, хизматчилик», деди хи-жолат бўлиб. Мен эса хижолатчиликка ўрин йўқлигини айтдим. Шундай қилиб, хайрлашдик. У хизматига шошилди. Энг муҳими, қисқа вақт ичида кечган суҳ-батимиз диктофонга муҳрланди. Суҳбат таассуротларига чўмганча, ҳайкалга қарадим. Қуёш ҳайкалга янада жозоба улашар, маҳобатини оширарди. Тин-члик қандай яхши, қандай гўзал неъм-ат-а?! Ана, яна бир машинада сайёҳлар мажмуага экскурсияга келишди. Мен эса яна Урганчга келишни кўнглимга туккан-ча, ортга қайтдим...

**Қуролли Кучлар хизматчиси  
Шоҳиста АБДУРАҲМОНОВА,  
Шимоли-ғарбий ҳарбий округ  
матбуот хизмати**

# Mardi maydonlar

# ЖАНГОВАР ГУРУХ ИМКОНИАТЛАРИ

## АМАЛДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

**НУКУС ГАРНИЗОНИДАГИ ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРНИНГ БИРИДА ЖАНГОВАР ГУРУХНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ РЕАЛ ВАЗИЯТГА ЯҚИНЛАШТИРИЛГАН ҲОЛДА КУНДУЗИ ВА ТУНДА СИНАБ КЎРИЛДИ.**

Ўқув йили режасига мувофиқ ўтказилган гуруҳ жанговар ўқ отиш машғулоти олинган шартли сигналга кўра, ҳарбий хизматчиларнинг хизмат жойларига белгиланган вақтда етиб келиши, қурол ва ҳарбий техникаларни жанговар шай ҳолатга келтириши билан

бошланди. Қисқа вақтда шайлик ҳолатига келтирилган гуруҳ шахсий таркиби жанговар буйруқни олиб, техникалардан жой олди ва «Нукус» умумқўшин полигони томон колонна билан марш амалга оширди.

Гуруҳнинг дала шароитида жойлашуви, ҳудуд кўриқлови, муҳофаза ва таъминотни ташкил

этиш бўйича олиб борилган машғулотлар давомида шахсий таркиб белгиланган жойларни тайёрлаш ва жиҳозлаш бўйича амалий кўникмаларни мустаҳкамлади. Гуруҳ олдида қўйилган навбатдаги вазифага мувофиқ, шартли душман кучларини мудофаа жангини олиб бориш давомида қайтариш, уларга қарши жанговар бўлинмадаги куч ва воситалар ёрдамида зарба бериш белгиланган.

Тактик вазифага мувофиқ, отиш марраси томон ҳаракатланган жанговар гуруҳ қисқа вақтда белгиланган маррани эгаллаб, куч ва воситаларни жанговар шай ҳолатга келтирди. Юқори қўмондонликдан олинган навбатдаги сигналдан

кейин шартли душман жонли кучи ва техника макетларига қарши ўқ отар қуроллардан ўқ узилди. Қисқа вақтда барча нишонлар яқсон этилиб, шартли душман йўқ қилинди.

Бу каби амалий машғулотлар ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлигини ошириб, жамоавий жипсликни таъминлашга хизмат қилади. Ҳар бир мутахассисни гуруҳдаги вазифасини аниқ билишга ва тўғри ҳаракат қилишга ўргатади.

Жанговар машғулотлар кундузи ва тунда реал вазиятга яқинлаштирилган ҳолда олиб борилди.

**Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати**



# O`quv-uslubiy yig`in

## ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Мудофаа вазирлигига қарашли қўмондонлик тасарруфидаги қўшилма ва ҳарбий қисм командирларининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосарлари, бўлим ва бўлинма бошлиқлари, ҳарбий психологлар ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассисларнинг ўқув-усlubий йиғини бўлиб ўтди.



Унда маънавий-маърифий тайёргарлик машғулоти, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ахлоқий-руҳий тайёргарлик тадбирлари, шунингдек, руҳий зўриқишларни ечиш хоналари, руҳий барқарорлик йўлагидан фойдаланиш, бириктирилган мактаблардаги ўқувчилар ҳамда маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан ҳарбий-ватанпарварлик тадбирларини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича машғулотлар ташкил этилди.

Ўқув йиғинида Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари, Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари ва Республика ҳарбий прокуратураси ходимлари ўз йўналишлари бўйича маъруза қилиб, иштирокчиларга қўл остидаги шахсий таркибни интизом бузилиш ҳолатини олдини олиш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий жамоада жанговар руҳни шакллантириш ҳамда жипс-

лаштириш бўйича амалий тавсия ва йўриқномалар берди.

Сўзга чиққанлар қўмондонлик бўйсунувидаги қўшилма ва ҳарбий қисмларда яратилган шарт-шароитлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига бериладиган имтиёзлар, рағбатлантиришлар, ташкил этилган малака ошириш курслари тўғрисида ҳамда келгуси йилларда амалга ошириладиган режалар ҳақида маъруза қилди.

Салбий ҳолатлар, ҳуқуқбузарликлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг олдини олиш ҳамда тарбиявий ва мафкуравий ишлар йўналишида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар бўйича батафсил тушунтириш ишлари олиб борилди.

Йиғин якунида иштирокчиларнинг жисмоний ва маънавий-маърифий тайёргарлик йўналишидаги билимлари ҳамда тактик белгиларни чиқиш бўйича кўникмалари синовдан ўтказилди.

# Ochiq eshiklar kuni

## ҲАЙРАТ ВА ҲАВАСГА БОЙ

Қуролли Кучларимизнинг мудофаа қудрати ва жанговар салоҳиятини ошириш, армиямизда замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда.



Бухоро вилояти Қоровулбозор туманида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида «Миллий армиямиз ёшлар нигоҳида» шиори остида ҳудудда истиқомат қилувчи маҳалла ёшлари иштирокида очиқ эшиклар куни бўлиб ўтди.

Тадбир туман мудофаа ишлари, маънавият ва маърифат бўлими, ёшлар иттифоқи ҳамда маҳалла ёшлар етакчилари билан бевосита ҳамкорликда ташкил этилди.

Дастлаб иштирокчилар учун қурол-аслаҳалар кўرғазмаси ташкил этилиб, уларнинг тактик-техник тавсифи тўғрисида маълумотлар берилди. Сўнгра ўқувчи-ёшлар ўртасида арқон тортиш, спорт қуролидан ўқ отиш, ҳарбий эстафета ва қўл кураши бўйича мусобақалар ташкил этилди. Туман маданият марказининг хонандалари ҳамда истеъдодли ёшлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар ўқувчи-ёшларга янада кўтаринки руҳ бағишлади.

спорт қуролидан ўқ отиш, ҳарбий эстафета ва қўл кураши бўйича мусобақалар ташкил этилди. Туман маданият марказининг хонандалари ҳамда истеъдодли ёшлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар ўқувчи-ёшларга янада кўтаринки руҳ бағишлади.

# Ko`rik-tanlov

## ТАШАББУСКОР ИСЛОҲОТЧИ

Қуролли Кучлар тизимида ҳарбий хизматчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда ўз имкониятларини намоён қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш учун кенг имконият ва шароитлар яратилган.

Янги Ўзбекистоннинг янада гуллаб яшнаши ва ривож учун улкан ҳисса қўшиб келаётган фидойи, билимдон, изланувчан, инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрларни тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш, таълим тизimini такомиллаштириш, илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Best Publication» илмий тадқиқотлар марказининг ташаббуси билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги миқёсида ҳар йили «Ташаббускор ислохотчи» халқаро илмий кўрик-танлов ташкил этиб келинади.

Самарқанд вилоятида мазкур кўрик-танловнинг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ушбу танловда Бекобод туманида жойлашган Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм кичик сержанти Фаррух Аббасов ғолиб деб топилди, «Ташаббускор ислохотчи» эсдалик



нишони ҳамда «Best Publication» илмий тадқиқотлар марказининг рағбатлантирувчи совғалари билан тақдирланди.

Кичик сержант Фаррух Аббасов ўзининг салмоқли ютуқлари, намунали хизмати билан тенгдошларига алоҳида ўрнатилган кўриқ-танловнинг ғолиби, деб топилди олиб бориладиган ислохотларнинг ижобий маҳсулидир.

# To`garak

## МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Ҳарбий хизматчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, китобхонликни кенг тарғиб қилишда тизимли ишларни ташкил этиш бўйича беш муҳим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида «Маънавий юксалиш» куни доирасида бир нечта тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган.



фаолиятининг бош мақсади бутун инсоният билимини акс эттирган, аввало, Ўзбекистон ва унинг миллий манфаатларига тааллуқли ҳужжатларнинг универсал фондини йиғиш, сақлаш ҳамда жамият фойдаланиши учун тақдим этишдир.

Шулар қаторида Тошкент шаҳрида жойлашган Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси билан ҳамкорликда бир нечта тўгараклар фаолият олиб бормоқда.

Ушбу кутубхона Марказий Осиё минтақасидаги йирик ва қадимги китоб сақлаш масканларидан бири бўлиб, 30 га яқин турли ноанъанавий хизматларни кўрсатади. Кутубхона


Тўгаракларда қатнашадиган ҳарбий хизматчилар учун кутубхона раҳбарияти ҳамда ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан шарт-шароитлар яратиб берилган.

Ҳарбий хизматчилар учун ташкил этилган чет тиллари, компьютер саводхонлиги, «Ёш шоирлар» ва «Ёш ижодкорлар» каби тўгараклар кутубхонанинг етакчи мутахассислари билан ҳамкорликда ташкиллаштирилиб келинмоқда.

# ИСЛОҲОТЛАРГА ДАХЛДОРЛИК

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Муайян шахснинг, аввало, ўз оиласи, маҳалла-кўй, миллати, давлати ва жамият олдидаги бурчи ҳамда вазифасини чуқур англаши, муҳим ҳаётий масалаларга нисбатан дахлдорлик туйғуси билан яшаши юртимизнинг ҳар бир фуқароси зиммасидаги улкан масъулиятдир.



Ушбу масъулиятни тўлақонли ҳис қилган юртдошларимиз мамлакатимиз тақдирини белгилашда муҳим аҳамият касб этаётган ислохотларга нисбатан дахлдор шахсларга айланмоқдалар. Бунда дахлдорликдан ташқари ватанпарварликнинг амалий ифодаси ҳам намоён бўлмоқда.

### БИР МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШТИРУВЧИ КУЧ

Археологик манбаларнинг гувоҳлик беришича, энг қадимги аждодларимиз ўзлари яшаган, шох-шаббадан қурилган кулбаларни ёки ов қиладиган ҳудудларни ўзларига дахлдор, деб билганлар. Дахлдорлик ҳисси уларда кейинчалик макон, минг йиллар оша Ватан тасаввурларини уйғотган. Кишилик тамаддуни ривожланиб, давлатчилик куртаклари вужудга кела бошлаши билан одамлар тафаккурида бу улуг туйғу янги мазмун касб эта бошлаган. Давлатчилигимизнинг уч минг йиллик тарихи давомида кишиларнинг Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси ёвга қарши бир тану бир жон бўлиб курашишга, тинчлик-осойишталикни асрашга, улугвор шаҳарлар бунёд этишга, фан, таълим, маданиятни ривожлантиришга, авлодлар учун улкан маънавий мерос қолдиришга ундаган. Дахлдорлик туйғуси жамиятни бир мақсад йўлида бирлаштириб, янада жипс-лаштирган.

Бу сўзнинг луғавий маъносига ҳам бир қур назар ташласак. Маълумки, дахлдорликнинг асосини ташкил этувчи «дахл» сўзи араб тилидан таржима қилинганда «алоқа», «муносабат» маъноларини англатади. Шунинг учун ҳам мазкур сўзнинг луғавий асосида бирор шахс ёки нарсага алоқадорлик, тааллуқчилик тушунчалари ётади. Мазкур сўзга форс тилидаги «-дор» қўшимчасининг қўшилиши унинг «фойдали», «алоқаси бор» маънолари билан бойишига сабаб бўлади. Дахлдор сўзи, айти пайтда бирор нарсага бевосита алоқаси, боғлиқлиги бўлган деган маъноларни ўзида мужассам этади. Сўз юритилаётган мавзуга оид дахлдорлик сўзи эса бирор иш-ҳаракатга, жараёнга алоқадорликни англатади. Дахлдорлик туйғусининг асосида мазкур тушунчалар моҳиятан мужассамлашади. Улар тушунча негизида бирлашиб, яқдил маънони ҳосил қилади. Биз, бу ўринда, халқ ва Ватан тақдирига, Янги Ўзбекистоннинг тараққиётига

хизмат қиладиган ислохотларга дахлдорлик туйғусини эътибор марказига олдик.

### РУҲИ ОЗОД ИНСОН

Инсоният онгидаги ўзгаришлардан бири бўлган дунёни англаш – яшаш моҳиятини тушуниш ҳисобланади. Руҳни, тафаккурни зиндонбанд қилиб бўлмайди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ёзганидек руҳи озод инсон ўзи яшаётган жамиятда, шу билан бирга, бутун башарият ҳаётига дахлдорлик ҳисси билан яшайди. Мамлакат тақдирдан, унинг ташвиш ва муаммоларидан, амалга оширилаётган ислохотлардан бохабар бўлиб туриш ҳар бир фуқаронинг табиий эҳтиёжи бўлиб, у Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусидан келиб чиқади. Демак, дахлдорлик туйғуси ҳар бир инсон учун муҳим ҳисобланади.

Яна шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, инсон ўзлигини, яъни ким эканлигини, аждодларини, яшашдан мақсадини англамас экан, унда дахлдорлик туйғуси уйғонмайди. Ўзлигини англаган инсон ҳаёт воқелигига онгли муносабатда бўла бошлайди, унда жамиятга дахлдорлик туйғуси пайдо бўлади. Бу ўринда, ёш авлодни юксак маънавиятли, кенг ва теран дунёқарашга эга бўлган, ўзини мамлакатда содир бўлаётган ҳар қандай ўзгаришларга, ислохотларга дахлдорлик ҳиссида тарбиялашда тарихнинг, айниқса, Ватан тарихининг аҳамияти беқиёс. Зеро, буюк ва шонли тарихга эга бўлган, асрлар оша жаҳон цивилизациясининг чорраҳасида яшаб келган миллатга дахлдорлик қалбни ғурур ва ифтихорга тўлдиради.

### ШАХС КАМОЛОТИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Таъкидлаш керакки, дахлдорликнинг зидди бўлган бепарволик, лоқайдлик, хиёнаткорлик шахсни маънавий-ахлоқий етукликдан четлаштиради. Фақат шу билан кифояланмасдан охир-оқибат шахсни ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган кишига айланишига сабаб бўлади. Давлат ва миллат тақдирига бепарво кимсалар, ватанпарварлик ҳиссини йўқотганлар яқунда ўз маънавий қиёфаси, ўзлигини ҳам буткул бой беради.

Ёшларда бепарволик, лоқайдлик эмас, балки миллий ғурур, ифтихор ва миллий улугворлик сифатлари таркиб топса, уларда дахлдорлик туйғуси пайдо бўлади. Дахлдорлик

эса шахсни замон қаҳрамонига айлантиради. Зеро, дахлдорлик ҳар бир шахс камолотининг муҳим босқичи, комил инсонни тарбиялашнинг устувор асосларидан бири ҳисобланади.

### МАЪНАВИЙ ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

Бу ўринда, дахлдорлик ва манфаат тушунчалари ўртасидаги боғлиқлик масаласига тўхталсак. Манфаат – бирон-бир нарсага жалб этилиш даражаси, ундаги иштирок, қизиқиш билдириш, мойилликдир. Моддий жиҳатдан манфаат – фойда, унум билан боғлиқ. Шу маънода «ўз манфаатига эга бўлиш» деган ибора ишлатилади. Бирор нарсага, ҳодисага қизиқиши бўлган одам манфаатдор шахс дейилади. Бу ҳолат доимий хусусиятга эга бўлса, у манфаатли шахсга айланади. Агарда жамиятга беғараз хизмат қилиш шахсий фойда билан уйғунлашса, соғлом манфаат туғилади.

Ватан тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳисси мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун манфаатли ҳисобланади. Чунки давлатнинг ривожланиши йўлида қилинаётган ишлар ҳар биримиз учун инсон қадрини улугворчи, ҳар томонлама демократик шароитлар яратилишига хизмат қилади. Бу эса фуқароларнинг ҳокимият ишларига дахлдорлик туйғусини кучайтиради, шу асосда унга ҳамкор бўлишга рағбат уйғотади. Натижада мазкур жараёнларга бевосита ёки билвосита дахлдорлик, алоқадорлик ҳар бир фуқаронинг етук шахс сифатида камол топишининг асоси бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон тақдирини учун жавобгарлик туйғуси ҳар бир фуқаронинг сиёсий масъуллик ва маънавий дахлдорлик ҳисси билан бевосита боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, Ватанимизда юртдошларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган, Янги Ўзбекистоннинг тараққиётини таъмин этадиган истиқболли ислохотлар, ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик туйғусини уйғотадиган ўзгаришлар, янгиликлар жараёни кечмоқда. Айни шу паллада ёшларнинг мустақил фикри ва дунёқарашини шаклланишига кўмаклашиш, уларнинг ҳаётда ўз ўрни ва ёндашувини қатъий белгилаб олишларига ёрдамлашиш, энг муҳими, ён-атрофдаги воқеаларга бефарқ бўлмаслик, дахлдорлик туйғуси билан яшашга ўргатиш долзарб вазифалардан биридир.

Зеро, юртимиз аҳолиси, айниқса, ёшларда дахлдорлик туйғусини камол топтириш Ватанимиз тараққиёти ва буюк келажагига қўшилган муносиб ҳисса ҳисобланади.

Алишер ЭГАМБЕРДИЕВ,  
Ўзбекистон Миллий университети  
магистранти

Бугун ёшларда бепарволик, лоқайдлик эмас, балки миллий ғурур, ифтихор ва миллий улугворлик сифатлари таркиб топса, уларда дахлдорлик туйғуси пайдо бўлади. Дахлдорлик эса шахсни замон қаҳрамонига айлантиради. Зеро, дахлдорлик ҳар бир шахс камолотининг муҳим босқичи, комил инсонни тарбиялашнинг устувор асосларидан бири ҳисобланади.

## # Kun mavzusi



# КИБЕР-ЖИНОЯТЧИЛИК

## УНГА ҚАРШИ ҲАР БИРИМИЗ КУРАШИШИМИЗ ЛОЗИМ

Бугунги кунга келиб, халқаро Интернет тармоғида 400 мингдан зиёд зарарланган дастурий вирус тарқалмоқда. Бу эса киберхужумлар диапазони охириги беш йил ичида камида 300 марта ошганлигини билдиради.

Сўнги вақтларда вируслар орқали амалга оширилаётган киберхужумлар хатарли тус олмоқда. Вирусларнинг аксарияти банк-молия хизматларини кўрсатадиган ахборот тармоқларини заифлаштириш орқали, у ердан молиявий маблағлар ва маълумотларни ўғирлашга, йўқ қилишга қаратилганлигини кўриш мумкин.

Таҳлиллардан маълум бўлишича, хакерларнинг асосий диққат марказида банк-молия соҳасидаги йирик муассасалар, онлайн тўлов жараёнларини амалга оширувчи тизимлар, банк пластик карталари ва савдо терминаллари бўлиб келмоқда.

Мисол учун, ўтган йиллар давомида жаҳонда «Сағбапак» ҳамда унинг «SWIFT» номли кибер жиноятчилик гуруҳи хакерлари банк ва бир қатор молиявий ташкилотлардан ҳар йили 1 млн АҚШ долларидан зиёд маблағни ўғирлаб келган. Шунга ўхшаш жиноятлар хакерларга «енгил» даромад манбаи бўлганлиги сабабли, улар бу турдаги жиноятларни содир этиш кўламини доимий кенгайтириб, банк-молия тизимидаги ташкилотлардаги моддий қимматларни ўғирлаб, талон-торож қилиб келмоқда.

Сўнги йилларда мамлакатимиз фуқаролари ҳам онлайн содир этилаётган ўғирлик, фирибгарлик жиноятларининг қурбонига айланиб қолишмоқда.

Мисол учун, фуқаро (жабрланувчи)га нотаниш одам ўзини банк ходими этиб таништириб, жабрланувчига ҳар хил баҳоналарни айтиб (масалан, ноқонуний пуллар ўтказилганлиги, унинг картасидан нотўғри пул ечилганлиги), банк пластик картасидаги сўнги тўртта рақамни ва амал қилиш муддатини сўрайди ва ундаги пулларни ўз эҳтиёжлари учун ечиб олиб, жиноят содир этади.

Ҳозир айтиб ўтилган мисол, бугунги кундаги энг кўп учраётган алдовлардан бири бўлмоқда.

«Android» тизими фойдаланувчиларига уюштирилган хужумлар сони 2022 йилда 710 фоизга етиб, жаҳон миқёсида 1 млн.тадан ошиб кетмоқда. Россия, Австралия, Украина давлатларида бу вирусларнинг кенг тарқалгани маълум бўлди.

Хакерлар фуқароларнинг ижтимоий тармоқдаги саҳифаларини осонлик билан бузиб киришлари ва шахсий саҳифадаги фуқароларнинг маълумотларини ўғирлаб, кейинчалик саҳифа эгаси билан алоқага чиқиб, маълумотларни тарқатиб юбормаслик учун пул ва бошқа моддий қийматликлар беришини талаб қилиб, таъмагирлик жинояти содир этганлар ҳам учрамоқда.

Шу боис ахборот хавфсизлиги соҳаси мутахассислари «Android» операцион тизимида фаолият кўрсатувчи смартфонлар ва девайслар эгаларига интернетдан фойдаланишда ишончли манбалардан фойдаланишни маслаҳат беришмоқда. Айниқса, банк-молиявий иловалари ўрнатилган мобиль қурилмалар, реклама ёки бошқа илова кўринишидаги зарарли иловаларни юклаб олиш орқасидан мобиль қурилма орқали шахснинг пул моддий қийматликлари ўғирланмоқда.

Ўзбекистонда кибер хужумга учраётганларнинг аксариятига банк-троянлари зарар етказмоқда. Мобиль қурилмалар хавф-ҳатари географиясига мувофиқ, Ўзбекистондаги мобиль қурилмаларга йилига 1 000 тадан 50 мингтагача зарарли вирусга эга иловалар хавф солади.

Хўш, ушбу хужумлардан қандай химояланиш мумкин?

Компьютер тизимларига киришга рухсат берувчи калит сўзларни ҳар 6 ойда бир марта янгиланиш жаҳоннинг аксарият компаниялари одатларига айлантиришган. Чунки

хакерлар умумий калит сўзлар билан хужум уюштиришни одат қилганлар.

Бундан ташқари, ходим – хавфсизликнинг энг нозик нуқтасидир. Ташкилотнинг электрон почтаси, ижтимоий тармоғидаги саҳифалари орқали ахборотларни ўғирлашга ёки унга зарар етказишга уринишади. Хакер логин ва махфий сўзларни аниқлашга уриниб, ходимларга сохта, аслига айнан ўхшаш сайтларнинг манзилни юборади. Бу кибер жиноятчиликнинг олдини олиш учун эса ходимларни малака, билим ва кўникмаларини доимий ошириб бориш лозим.

Муҳим маълумот доимо махсус шифрланган шаклда сақланиши лозим.

2019 йил 3 декабрь куни янги таҳрирдаги Жиноят кодексининг янги таҳрирдаги XX<sup>1</sup> бобига қўшимчалар киритилиб, ушбу боб бир нечта ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар туркумини ўз ичига олган.

Компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб, компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатиш Жиноят кодексининг 278<sup>6</sup>-моддасида назарда тутилган жазолар билан жавобгарликка тортилиши мумкин.

Жадаллашиб бораётган рақамли ахборот технологиялар замонида ҳар бир шахс ўзига тегишли бўлган смарт ускуналаридан фойдаланишда эҳтиёткор бўлишлари, турли хил тез жалб қилувчи фото, видео, иловалар ва ҳоказоларни ускуналарига юклаб олишдан ўзларини тийишлари лозим.

Мутахассисларнинг маслаҳат беришларича, агар фойдаланувчи интернет оқимидан фойдаланишда ҳаётдаги каби эҳтиёткор бўлсалар, аксарият кибер жиноятлар содир этилишининг олди олинган ва унга қарши курашилган бўлар эди.

**Ф. СУЛАЙМАНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ҳарбий судининг ходими,  
II даражали юрист

# "Keksalar haftaligi"

# АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

## БАРДАВОМ



**Ё**ши улуг отахону онахонларни қадр этиш, ҳурматини ўрнига қўйиш узоқ асрлик урф-одатларимиз, анъаналаримиз, яшаш тарзимизнинг ажралмас бир бўлаги. Халқимиз орасида «Қариси бор уйнинг париси бор», «Қари билганини пари билмас» каби ҳикматли сўзлар неча минг йиллар мобайнида ҳаётда ўз исботини топиб келган ҳақиқат эканини яхши англаймиз. Бир умр меҳнат қилиб, фарзанд тарбиялаб, эл-юрт корига яраб яшаётган ҳар бир инсон кексайганида ҳурмат-иззат кўриб, эъзозланиб, ҳаётдан рози бўлиб яшашга муносибдир.

Халқимиз кексаларни ҳамиша ҳурматлаб, эҳтиром кўрсатиб келган. Ёшларимиз нурунийларни кўрса, қўли кўксида, саломга шай, хизматларига тайёр туради. Маслаҳатларию панд-насихатларига «лаббай» дейди, танбеҳига қулоқ тутди. Уйларию дастурхонларининг тўрини ёши улугларга атайди.

Буларнинг барчаси қадрият аталмиш занжирнинг ажралмас бўлагидир. Мана шу эзгу қадриятимизга ҳамоҳанг тарзда юртимиз бўйлаб «Кексалар

ҳафталиги»нинг ташкил этилаётгани ҳам ёш авлод қалбида қадриятларимизга бўлган ҳурмат руҳини янада камол топтиришдан иборат.

Жорий йилнинг 4-10 октябрь кунлари «Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш — халқимизга хос эзгу фазилат» ғояси остида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мазкур ҳафталик ўтказилмоқда. Ҳафталик доирасида нурунийларнинг ҳолидан хабар олиш, уларни



маънавий ва jismoniy қўллаб-қувватлаш, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ва эъзозлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Ҳафталикни «маҳаллабай» ўтказишга тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, юқори савияда амалга оширилишини таъминлашга эътибор қаратилади. Ҳафталик доирасида ҳар бир маҳаллада нурунийлар, шу жумладан, якка-ёлғиз кексаларни жалб этган ҳолда маънавий-маърифий тадбирлар, шу жумладан, «Саховат» ва «Мурувват» уйларида истиқомат қилаётган кексалар учун маданий тадбирлар, танловлар, спорт мусобақалари ва хайрия тадбирлари ўтказилади.

Ҳафталик доирасида Мудофаа вазирлиги тизимида ҳам амалий тадбирлар бошланди. Вазирлик масъул офицерлари ва Фахрийлар ишлари бўйича Марказий кенгаш аъзолари, Яшнобод тумани мудофаа ишлари бошқармаси ҳарбий хизматчилари «Инсон тафтини инсон олади» шиори остида туманда истиқомат қилувчи фахрийлар Ғайбулла Алиев ҳамда Нина Мартынованинг хонадониди бўлди. Уларга эсдалик совғалар ва озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.

Фахрийлар билан дилдан суҳбат давомида босиб ўтган ҳаёт йўллари, чеккан заҳматлари ҳамда мана шу машаққатли умр йўли давомида Ватанга бўлган муҳаббат, эл-юртга хизмат қилиш саодати қанчалик бахт эканлигига урғу берилди. Нурунийлар мамлакатимизда кекса авлод вакиллари бўлган эътибордан мамнун эканликларини изҳор қилишди.

Касби шифокор бўлган Ғайбулла Алиев умр йўллари шундай хотирлайди:

— Умрнинг қийинчиликда ёки бахтли ўтиши инсоннинг ўзига, олдига қўйган мақсадига боғлиқ. Мақсад қанчалик улуг бўлса, келтирадиган саодат шунга монанд бўлади. Айниқса, Ватан, миллатга наф келтиришга чоғланган инсонда ҳамиша ўзгача куч жўш уради. Бу куч замирида эса шу элнинг қайноқ тафти, меҳр-муҳаббати ётади. Ҳарбий шифокор сифатида бир неча йиллар фаолият кўрсатган бўлсам, кўнглимда фақат бир ўй — Ватан ҳимоясига шайланган ҳар бир инсоннинг саломатлигини асраш бўлган. Қилган меҳнатларимиз маҳсулини кўриб турибмиз. Ҳукуратимиз томонидан ҳамиша эъзозланиб келинапмиз. Кунора йўқловчилар бизни хурсанд қилади. Демак, умримиз бекор ўтмабди. Шунда англайманки, инсон бошқаларга озгина бўлса ҳам қувонч улашиб, ўзи ҳам бундан бахтиёр бўлади.

Ёши улугларнинг ҳаётини тажрибалари, босиб ўтган умр йўли ёш авлод учун ҳамиша ибрат бўлиб келган. Уларнинг суҳбатида бўлиш, насихатларини олиш киши қалбига ҳузур бағишлайди. Босиб ўтилажак ҳаёт йўлини ёритиб туради.

**Рўзиқул ОЧИЛОВ,**  
«Vatanparvar»

# Uch avlod uchrashuvi



# ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТДИ

**Т**ошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 70-умумтаълим мактабида Мудофаа вазирлиги фахрийлари, Жамоатчилик кенгаши аъзолари, Тошкент шаҳри ҳудудий бўлинмасининг етакчи мутахассислари, Юнусобод тумани нурунийлар кенгаши аъзолари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирокида уч авлод учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Жамоатчилик кенгаши вакиллари ҳамда Фахрийлар кенгаши аъзолари ёшлар билан турли мавзуларда қизикarli ва очик мулоқот ўтказишди.

Иштирокчилар ўқувчиларга ўзларининг бой ҳаётининг тажрибаларини сўзлаб берди. Ўзаро суҳбат мобайнида ёшлар кўплаб тарбиявий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни олишди. Учрашув ҳарбий оркестрнинг ватанпарварлик руҳидаги куй-қўшиқлари билан янада мазмунли ўтди.

**Ш. ЭГАМБЕРДИЕВ,**  
«Vatanparvar»



# Matbuot anjumani

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ  
АДМИНИСТРАЦИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ  
ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР  
АГЕНТЛИГИ МАЖЛИСЛАР  
ЗАЛИДА ҲАРБИЙ  
ХИЗМАТЧИЛАРНИ УЙ-  
ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ  
МАСАЛАЛАРИГА  
БАҒИШЛАНГАН  
МАТБУОТ АНЖУМАНИ  
БЎЛИБ ЎТДИ.**



Bahrom ABDURAHIMOV

# УЙ-ЖОЙ ТАЪМИНОТИДА НИМА ЎЗГАРИШ?



Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 августда имзоланган қарори моҳияти, ҳарбий хизматчилар, ҳарбий хизматдан резервга (*истеъфога*) бўшатиш (*чиқарилган*) фуқаролар ва уларнинг оила аъзоларини уй-жой билан таъминлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида мудофаа вазирининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси – матбуот котиби полковник Отабек Юлдашев, Мудофаа вазирлиги Таъминот департаменти бошлигининг юридик масалалар бўйича ёрдамчиси майор Маҳмуд Ёдгоров, Уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси бўлим бошлиғи капитан Алижон Қамбаров сўз

юритиб, оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига батафсил маълумот беришди.

Президент қарорига мувофиқ, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш масалаларида қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилган:

- ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида орттирилган касаллик ёки олинган жароҳати тўғрисида ҳарбий хизматни ўташга яроқсиз деб топилиб, резервга (*истеъфога*) бўшатиш (*чиқарилган*) Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ҳарбий хизматчиларини, шунингдек, ҳалок бўлган (*вафот этган*) ҳарбий хизматчиларнинг, уларнинг хизмат мудда-

тидан қатъи назар, оила аъзоларини уй-жой билан таъминлаш;

- ҳарбий хизматчилар бошқа вазирилик ва идоралар тизимига ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ учун ўтказилганда, уларга берилган хизмат хонадонларини ҳам тегишли вазирилик ва идоралар тасарруфига ўтказиш;

- ҳарбий хизматчиларга ажратилган уй-жой майдонининг ижтимоий нормасини аниқлашда уларнинг оила аъзолари билан бир қаторда қарамоғига олинган шахслар тоифасига аниқлик киритиш;

- умумий ҳарбий хизмат муддати 20 йил бўлган ҳарбий хизматни ўтаб резервга бўшатиш фуқароларни давлат ҳисобидан тураржой билан

таъминлаш, шу билан бирга, уларнинг олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳамда давлат органлари ва ташкилотларидаги меҳнат фаолияти йилларини ҳақиқий ҳарбий хизмат йиллари даврига қўшиб ҳисоблаш каби имтиёзлар белгиланган.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, 2017–2021 йиллар давомида 7 225 нафар ҳарбий хизматчи, ҳарбий хизматдан резервга бўшатиш фуқаролар ва уларнинг оила аъзолари тураржойлар билан таъминланган. Бу рақам 2017 йилгача бўлган давр мобайнида Мудофаа вазирилик тизимида йилига 450 тадан ошмаган.

**Фурқат ЭРГАШЕВ**

# Malaka

**ЮРТИМИЗ УЛКАН БИР БУНЁДКОРЛИК МАЙДОНИГА  
АЙЛАНГАН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА  
БОТ-БОТ ТИЛГА ОЛИНМОҚДА. УЛКАН ҚУРИЛИШ  
ЛОЙИХАЛАРИДАН МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ  
ТАСАРРУФИДАГИ ҲАРБИЙ ҚИСМ ВА МУАССАСАЛАР  
ҲАМ ЧЕТДА ЭМАС. МАЗКУР МАСКАНЛАРДА ҲАМ  
БАРПО ЭТИШ, ҚУРИЛИШ-ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ  
ИЗЧИЛ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.**

# СОҲА МУТАХАССИСЛАРИГА СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ



Шу маънода Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги Қурилиш соҳасидаги менежерларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик қўшинлари қурилиш ва уй-жойдан фойдаланиш соҳаси мутахассисларининг таҳсил олгани айтилди.

Зеро, бу каби ишларда чуқур билим ва савияга эга, ўз ишининг устаси бўлган мутахассисларнинг иштироки жуда муҳим ўрин тутди. Ушбу малака ошириш курси Мудофаа вазирилик қўшинларида бундай мутахассисларни тайёрлаш бўйича олиб борилаётган тизимли ишларнинг бир қўринишидир. Барпо этилаётган турли бино ва иншоотлар ҳамда ижтимоий инфратузилма объектла-

рининг қад кўтаришида замонавий технологиялар ёрдамида янгича ёндашув билан иш юритаётган ҳарбий хизматчиларнинг ўрни катта.

Бир ой давом этган ўқув курси давомида тингловчилар нафақат соҳа бўйича билим ва тажрибаларини оширдилар, балки улар ўз фаолиятлари бўйича юртимизда қабул қилинаётган энг сўнгги қарор ва ўзгаришлар ҳақида ҳам батафсил маълумот олдилар.

Айниқса, турли ривожланган хорижий мамлакатлардан келган мутахассислар иштирокидаги семинар-тренинг ва маърузалар қизгин савол-жавоб, фойдали маълумотларга бой бўлди.

Курс машғулоти ва имтиҳонларини муваффақиятли ўтаган офицер ва сержантларга тантанали равишда сертификатлар топширилди.

**Абдуллоҳ ЎКТАМҚУЛОВ**

# Ehtirom

**Инсон ҳар қандай таърифи тилларда дoston ютуққа эришмасин, унинг замирида, пойдеворида устоз, муаллимларнинг меҳнати ётади. Мудофаа вазирлиги марказий аппаратида Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирда ҳам ҳарбий таълим ривожига, илмий салоҳият юксалишига ҳисса қўшаётган муҳтарам мураббийлар, профессор-ўқитувчилар миллий армиямиз учун энг катта куч ва суюнч экани таъкидланди.**



# ЭНГ КАТТА КУЧ ВА СУЮНЧ

**устоз ва мураббийлар меҳнати шарафланди**



Тантанада мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, масъул офицерлар, Ватанимиз тинчлиги йўлида фидокорона хизмат қилган Қуролли Кучлар фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилоти вакиллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар соҳа вакилларининг машаққатли меҳнатларини юксак эътироф этишди. Олий ҳарбий таълим муассасаларида қўлга киритилаётган ютуқлар, жумладан, яқиндагина фаолиятини бошлаган Қуролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академияси, Темурбеклар мактабида олиб борилаётган изчил изланишлар яна бир бор тилга олинди. «Илм-фан етакчиси» кўрик-танлови, юксалиб бораётган ҳарбий илмий салоҳият, қамровни кенг олган «Устоз-шогирд» аънанасти намуна қилиб кўрсатилди.

Олий ҳарбий таълим муассасалари замонавий ўқув-моддий базаси билан бутланиш баробарида таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, халқаро стандартларга мос равишда ишлаб чиқилди. Натижада, сўнгги 5 йилда ҳарбий илмий салоҳият 4,5 фоиздан 32 фоизга ошди.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ҳарбий таълим тизимини такомиллаштириш, юқори малакали мутахассисларни сифатли тайёр-

лаш масалалари Президентимиз томонидан олиб борилаётган давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Шу маънода ҳам олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳарбий кадрларга илм-фан йўналишларини, жанговар ҳаракатларни олиб боришнинг замонавий шакл ва методларини ўргатаётган соҳа заҳматкашларининг меҳнати ҳар қанча эътирофга сазовор.

Ҳарбий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга самарали ҳиссасини қўшиб келаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар хизматчилари навбатдаги ҳарбий унвонлар, «Намунали хизматлари учун» кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

– Ушбу қутлуғ сана мен учун бир умр унутилмайдиган лаҳзаларни тортиқ қилди. Ўқитувчи ва мураббийлар кунинда барча офицерларнинг орзуси

бўлган навбатдаги «полковник» ҳарбий унвонини мудофаа вазирининг шахсан ўзи топширди. Билдирилган юксак ишонч ва рағбатга ҳа-



моҳанг тарзда келгуси фаолиятимда ҳам ҳарбий кадрлар тайёрлашга ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшишга бор куч-қувватим, ғайратим билан ҳаракат қиламан, – дейди полковник Улуғбек Аҳмедов.

Байрам тадбирини барча ҳарбий округлар, ҳарбий қисм ва муассасалар онлайн тарзда кузатиб борди. Ўз ўрнида дил сўзларини изҳор қилиб, устозлар билдирган ишончга муносиб бўлишга ваъда бердилар.

Уша куни юзлаб оилаларда қўша-лок байрам нишонланганини ишонч билан айтиш мумкин. Йиғилганларга кўтаринкилик бахш этган тақдирлаш тантаналари Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонанда ва раққосалари ижросидаги куй-қўшиқларга уланиб, байрам файзини оширди.

**Капитан Азиз НОРҚУЛОВ,**  
«Vatanparvar»

# E'tibor

**Ҳаётимизда устозларнинг ўрни беқиёс. Уларнинг машаққатли меҳнати ва кўмаги билан ҳар биримиз ўз йўлимизни топишга, жамиятнинг тўлақонли фаол фуқароси сифатида шаклланишга муваффақ бўламиз. Дунёдаги энг бебаҳо бойлик бўлмиш ақл-заковат ва илму маърифатни ўсиб келаётган ёш авлодга безавол етказиш йўлида чинакам фидойилик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилаётган улғ инсонлар ҳам айнан ўқитувчи ва мураббийлар саналади.**

# УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ



Юртимизда устоз ва мураббийларга эҳтиром кўрсатилиб, байрам шукуҳи давом этаётган бир пайтда Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари қўмондонлиги марказий аппаратида ҳам тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда «Устоз-шогирд» анъанаси авлодлар ўртасида мустақам кўприк вазифасини ўтаб, ёш ҳарбий хизматчиларнинг тажрибали устозлар кўмагида хизматга мослашуви ҳамда соҳа мураккабликлари ва машаққатларини сабот билан енгиб ўтишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Устоз фахрийлар ўзларининг кўп йиллик тажрибалари ва ибратли умр йўллари билан ёшларга ҳар жиҳатдан ўрнак бўлиб, уларнинг панду насиҳатлари шогирдларни янги марралар сари руҳлантираётгани эътироф этилди.

Ўз навбатида, фахрийлар ҳам кўрсатилаётган эътибор ва эъзоз учун ташкилотчиларга миннатдорлик изҳор этдилар.

Жанговар-хизмат фаолиятида юқори натижаларга эришган, ўтказилган танлов ва мусобақаларда ғолиб бўлган бир гуруҳ сарҳадларимиз посбонлари фахрий ёрлик, кубок ва совғалар билан тақдирланди. Чегара қўшинлари Ашула ва рақс ансамбли хонандалари ҳамда элимиз ардоғидаги санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлару жозибали рақслар барчага кўтаринки кайфият улашди.

Юқоридагилар билан бир қаторда Чегара қўшинлари сафларига малякали кадрларни тайёрлаш ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида ҳамкорлик қилиб келаётган бир қатор ҳарбий таълим муассасалари, шунингдек, Халқ

таълими вазирлиги ва чегара олди ҳудудлардаги умумтаълим мактабларининг устоз ва мураббийларидан иборат жами 45 нафар соҳа ходими ҳамкорликда амалга ошираётган самарали саъй-ҳаракатлари учун «III даражали Чегара қўшинлари аълочиси» кўкрак нишони ҳамда эсдалик қўл соатлари билан тақдирланди.

Хусусан, Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги 2-умумтаълим мактабида ўтказилган «Сизга таъзим, устозлар» мавзусидаги маънавий тадбир давомида жонкуяр ўқитувчи ва мураббийларга Чегара қўшинлари қўмондонининг «Миннатдорчилик хати» ҳамда мактаб директори Зоҳир Ражабовга «III даражали Чегара қўшинлари аълочиси» кўкрак нишони тантанали тарзда топширилди.

Мактаб жамоасининг аҳиллиги, уюшқоқлиги, шунингдек, ушбу таъ-

лим муассасасида ташкил этилган «Ёш чегарачилар» клубига аъзо ўқувчиларга қаратилаётган эътиборнинг юқори экани таъкидланиб, жорий йилда мазкур умумтаълим мактабининг «Бургутлар» жамоаси «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг туман ва вилоят босқичларида ғолибликни қўлга киритиб, пойтахтимизда бўлиб ўтган республика босқичида Сирдарё вилояти шаънини муносиб ҳимоя қилгани айтиб ўтилди. Албатта, ўқувчи-ёшларнинг бундай натижага эришишида умумтаълим мактабининг фидойи устоз ва мураббийлари, маърифат ҳамда зиё соҳибларининг ҳиссаси катта.

**Майор Фариди БОБОЖОНОВА**  
ДХХ Чегара қўшинлари

# E'ZOZ

**Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашида ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.**

# ФИДОЙИЛАР ҲУРМАТДА



Видеоанжуман шаклида ўтган тадбирда «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши аппарати, ташкилот ҳузуридаги муассасалар ва жойлардан ҳудудий кенгашлар ходимлари ҳамда тизимда узоқ йиллар давомида ишлаган меҳнат фахрийлари иштирок этди.

«Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши раиси Хусан Ботиров сўзга чиқиб, ташкилот тизимидаги ўқув

муассасаларида фаолият юритаётган ўқитувчилар, автомобилни амалий бошқаришни ўргатувчи усталар ҳамда спорт мураббийлари, меҳнат фахрийларини байрам билан табриклади. Тизимда меҳнат қилиб келаётган фидокор мутахассислар шарофати билан минглаб ёшларимиз ватанпарварлик руҳида тарбияланиб, Ватанимиз тинчлигини сақлашда, юртимизнинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий жиҳатдан

камол топишига ҳисса қўшиб келаётгани, ташкилот ўқув муассасаларида турли техник касбларни эгаллаган фуқаролар эса жамиятда ўзларининг муносиб ўринларини топаётганлиги таъкидланди.

Тадбирда «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашининг биринчи раиси, истеъфодаги генерал-майор Жамшид Шахмарданов ҳам иштирок этиб, ташкилотнинг

муваффақиятларидан мамнун эканлигини билдириб ўтди.

Яқунда ташкилот тизимида узоқ йиллар фидокорона меҳнат қилиб келган бир гуруҳ устозлар, спорт мураббийлари ҳамда меҳнат фахрийларига ташкилотнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,**  
«Vatanparvar»



## «ШАЖАРАИ ТУРК»НИНГ ЯНГИ НУСХАСИ



**Республика оммавий ахборот нашрлари, радио ва телекўрсатувларда Марказий Осиё тарихини ёритишга хизмат қиладиган турли қўлёзма манбалар ҳақида янгиликларга дуч келишимиз кундалик воқеликка айланди. Турон алломалари маданий мероси, улар ёзиб қолдирган қўлёзма манбаларни ўрганиш жараёнида ўзим ҳам иштирок этаман. Бу менинг шунчаки хоббим эмас... Севимли машғулотим, ишимдир. Шу сабабдан бу соҳадаги ҳар қандай ўзгаришларни эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қиламан.**

Абул Ғозихоннинг «Шажараи турк» асари ҳам Турон тарихини ёритишда муҳим бирламчи манбалардан биридир. Хўш, юртимиз тарихини ўрганишда бу асарнинг қандай аҳамияти бор? У бошқа муаллифлар асарларидан нимаси билан фарқ қилади?

Турон ўтмишида уч нафар ҳукмдор ёзиб қолдирган тарихий асарлар дунё илм фани доирасида маълум ва машҳур. Улардан бири теурий Заҳириддин Муҳаммад Бобур таълиф этган «Бобурнома» (1518/19–1530); иккинчиси Чингизийлар сулоласидан хоразмшоҳ Абул Ғозӣ Баҳодурхон қаламига мансуб (1643–1663/1664) «Шажараи тароқима», «Шажараи турк» асарларидир. Теурийларнинг яна бир беҳад доврқли вакили Турондаги иккинчи юксалиш даври содир бўлишига улкан ҳисса қўшган ҳукмдор ва аллома Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» («Арбаини улус») асари ҳам улар қаторида туради. Кўрсатилган китоблар орасида «Тўрт улус тарихи» асарини манбашунослик асосида ҳозирча етарлича илмий ўрганилган, деб бўлмайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Абул Ғозӣ Баҳодурхон асарлари борасида кенг қамровли илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Дунёнинг бир қанча тилларига ўгирилиб, чоп этилган. Бу асарларнинг манбашунослик ва матншунослик асосида бажарилган илмий таҳлиллари мавжуд. Шунга қарамай, мазкур учта тарихий асарга шоҳ-муаррих қаламига оид китоб сифатида айрича баҳо берилмаган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» китоби ёзилишига кўра автобиографик асардир. Муаллиф бу асарини ўзи учун ёзган. Ҳатто бу китоб бир ҳукмдорнинг кундалиги сифатида баҳоланса ҳам унчалик хато бўлмайди. Бобур халқ учун тарих ёзишни олдиға мақсад қилиб қўймаган эди. Бундай мақсад асарнинг сақланиб қолган матнларининг бирор ўрнида қайд этилмаган. У Абул Ғозихоннинг шажара асарларидан айнан шу жиҳати билан фарқ қилади.

Кунларнинг бирида Хоразм шоҳи Абул Ғозихонда халқ учун бир тарихий асар ёзиш нияти пайдо бўлиб қолади. У тарихда сиёсий жўшқин ҳаёт кечирган ҳукмдорлардан биридир. Муаллиф тарих, миллат ва юрт олдидаги бурчини адо этиш учун «Шажараи тароқима» ва «Шажараи турк» асарларини

(1643–1663/1664) таълиф этганди. Бундай мазмун асар матнида бор. Абул Ғозихоннинг биринчи шажара асари туркман қабила бошлиқларининг илтимосига кўра (1658–1661 йиллар оралиғида) ёзилган. Бу асар Уғузхон, туркий қавмлар ва туркман халқининг келиб чиқиш тарихига бағишланади. Ёзма манбалардаги ахборотлар халқ орасида мавжуд бўлган оғзаки маълумотлар билан тўлдирилган.

Хоннинг айнан ўз халқи тарихига бағишлаб ёзган шоҳ асари – «Шажараи турк» китобидир. Унда Хоразмнинг XVI–XVII асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий тарихи баён этилган. Муаллиф асарининг ёзилишига ота-болаларнинг ўз тарихига бепарволиги ва Хоразм халқининг ўз тарихидан беҳабарлиги сабаб бўлганини таъкидлайди. Абул Ғозихон Чингизхон ва Чингизийлар тарихига оид ўттизталаб тарихий асар битилганини қайд этади. Аммо ўз юрти тарихига оид бирор жиддий китоб ёзилмагани қаттиқ изтиробга солади. Абул Ғозихон ва катта аждоди Шайбоний Ёдгорхон ҳукмронлиги даврлари оралиғидаги воқеалар тафсилоти баён қилинган бирор солнома битилмагани мазкур асарнинг ёзилишига кучли тўртки бўлган.

Муаллиф юрт тарихидаги ушбу кемтикни тўлдириш учун иқтидорли муаррих қидиради. Аммо муносиб номзод топа олмайди ва «Уксуз ўз киндигин ўзи кесар» (етим ўз кунини ўзи кўради, ўзи учун ўзи қарор қилади) туркий мақолга амал қилиб, қўлига қалам ва давот олади, ёзишга киришади. Асар бюртурмачиси ва ёзувчиси ҳам хоннинг ўзи бўлгани сабабли наът қисмидан кейин бирдан асосий матнга ўтилади. Асарда мусулмон тарихнавислиги аънаналарига кўра, Одам Атодан муаллифнинг ҳукмронлиғига қадар тарих йиллари қайд этилган. У дебеча ва тўққиз бобдан иборат: Турон туркийсида (чиғатой тили) ёзилган, воқеалар содда ва лўнда ифодаларда баён қилинган. Мадҳ (мақтов) ва саж усуллари ишлатилмаган ва ҳукмдорларга тимсолий қутловлар (эпитетлар) берилмаган. Аммо Чингизхон ва унинг ўғли Угадай қоон тимсолий қутловлар билан шарафланган.

Анушахон (1663–1686) буйруғига биноан, Маҳмудий ибн Муҳаммад Замон Урганчий томонидан Абул Ғозихоннинг ҳукмдорлик йиллари тарихи ёзилган

китобнинг 9-бобида унга нисбатан хони жаннатмакон, хони гитистон каби қутлов сифатлари ва унинг шахсига ҳурмат маъносиди гапдаги феълларга лар кўплик қўшимчаси қўшилган.

Европада XVII асрда мусулмон Шарқиға қизиқиш кучайган пайтда айнан шундай содда тилда ёзилган ва информатив мазмундаги асарлар кўпроқ таржима қилинган кузатилади. Улар қаторида «Шажараи турк» асари ҳам Европа тилларига ўгирилган ва кенг тарқалган. Марказий Осиёдаги мўғул ва турк тарихининг европача тасаввури айнан шу асар орқали қабул қилинган ва тадқиқотчиларга икки асрдан зиёд асосий манба бўлиб хизмат қилган. Асар қулликка тушиб қолган швед офицери Табберт томонидан илк бор илмий муомалаға киритилган. Бу хизмати илмий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланиб, Табберт кейинчалик фон Страленберг фамилияси ва дворянлик унвонини олган. Мазкур мулоҳазаларимиз асарнинг илк таржимасига оиддир.

Асарнинг немис, лотин, рус, англис, турк ва французча таржималари мавжуд. Кўпгина таржималар дастлабки таржима нашрлари асосида бажарилган. 1726 йили француз тилиға ўгирилган нашр нусха 1770 йилда рус ва 1780 йили англис тилиға амалға оширилган таржимаға асос бўлади. Кейинчалик асарнинг илмий-танқидий матни нашрлари чоп этилади ва улар кейинги таржималар учун бош манба бўлиб хизмат қилади. Асарнинг илмий-танқидий матни ва французча, русча таржимаси, асар қўлёзмалари ва тадқиқотлари тўпланиб, яхлит ҳолатға келтирилиб ўрганилиши лозим.

«Шажараи турк»нинг тарихшуносликдаги ўрни ва ўрганилиши ҳам қизиқарли мавзудир. Петр Иванович Демезон 1871 йили Санкт-Петербург қўлёзмалари асосида нашр эттирган илмий-танқидий матн ҳозирғача халқаро тадқиқотчиларға бирламчи манба бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу нашр ўзгаришсиз 1970 йили Лейденда қайта чоп этилди. Марказий Осиё тарихи бўйича йирик мутахассис Юрий Брегелъ (1938–2016) бугунги замонавий шарқшунослик талаблари бўйича асарнинг илмий-танқидий матнини тайёрлашни таклиф қилган. Асар қўлёзмалари дунё бўйлаб кенг тарқалгани ва аммо улар тўпланиб, яхлит тадқиқ қилинмаганини юқорида таъкидлаб ўтдик. Текширувлар Чиғатой туркийсида битилган ушбу муҳим манбанинг дунёдаги барча қўлёзма нусхаларини йиғиш, ўрганиш, замонавий илмий-танқидий матнини яратиш зарурлиғи Ўзбекистон манбашунослиғи олдида турган долзарб масалалардан бири эканини кўрсатмоқда.

Дунё бўйлаб асарнинг 22 та қўлёзма каталогларда қайд этилган, шулардан 5 таси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Қувомиддин Муниров ва Қозоқбой Маҳмудов домлар 851 рақами остида сақланаётган қўлёзма асосида асарни ўзбек кирилл алифбосига табдил қилиб, Тошкентда 1992 йили нашр эттирган эди. Асар-

нинг қолган тўртта нусхаси матнлари нуқсонлидир. Бироқ Тошкент нусхалари дунёнинг бошқа кутубхоналари сақланаётган нусхаларига қараганда тўлиқлиғи ва баъзи жиҳатдан қадимийлиғи билан ажралиб туради.

Яқингинада шу мавзумизға тааллуқли бир қувонарли ҳодиса содир бўлди. «Шажараи турк» асарининг яна бир тўлиқ матнли нусхаси Ўзбекистонда топилди. У манбашуносликда «Гурлан нусхаси» номи билан қайд этилиб, илмий муомалаға киритилди. Қўлёзма колофониди 1317 ҳижрий йили (1899–1900) кўчирилгани ёзилган. Келгуси тадқиқотларимизда ушбу топилган янги қўлёзmani бошқа Тошкент нусхалари билан солиштириб, янги маълумотларни тақдим этиш ниятидамиз.

Мақоланинг бошида айтганимиздек, ҳар куни қандайдир янгиликлар эшитамиз, кўрами ва ҳатто уларнинг айримларида иштирок этамиз. «Шажараи турк»нинг «Гурлан нусхаси» топилиши ҳам худди шундай хайрли янгиликлардан биридир. Унинг топилиши тарихи воқеаси ҳам ажойиб тарзда кечди. Кунларнинг бирида «Ўзбекистон тарихи» телеканалиди белгиланган тартибда одатдагидай юртимиз тарихи ҳақида суҳбат бўлди. Унда «Шажараи турк» асари ҳақида мулоҳазаларимни билдирган эдим. Бу суҳбатни гурланлик Матюсуф Салимов қизиқиш билан кўрган, тинглаган экан. У киши билан учрашганимизда мамлакатимизда бу асарнинг юзлаб нусхалари бўлса керак, деб ўйлаганини айтди. Асарнинг «Гурлан нусхаси»ни Матюсуф Салимов авайлаб асраб келаётган экан. Суҳбат чоғида у киши Муҳаммад Раҳимхон иккинчи Феруз даврида бош қизиколан бўлган Муҳаммад Салим охунд авлодларидан эканини ҳам билиб олдик.


«Шажараи турк» асарининг ушбу «Гурлан нусхаси» матни тўлиқ, чиройли насталик хатида кўчирилган. Матн атрофи қизил рангли ҳошия чизиғи билан ўралган. Ҳозирча шу айтилганлар билан чекланиб турамиз. Ушбу қўлёзма нусха тадқиқи энди бошланди. Иш жараёни натижаларини яқин келажакда ўқувчилар оmmasига етказиш ниятидамиз. Мақола муаллифи бу қимматли топилдиқни тақдим қилгани учун қўлёзма эгасига чуқур миннатдорлик билдиради.

Халқимизда «Олма тағига олма, ёнғоқ тағига ёнғоқ тушади», деган ҳикматли гап бор. Аждодларимиз маърифатли бўлган, дунё илм-фани, маданиятиға улкан ҳисса қўшган, дея фахрланамиз. Халқимизнинг юқорида келтирилган ҳикматли гаплари қанчалар тўғрилиғиға мазкур ишимизда ҳам гувоҳ бўлдик. Маърифат дарахти тағига унинг мевалари тушади... Биз ҳам шу маърифатға муносиб бўлсак эди.

**Ҳилола НАЗИРОВА,**  
**ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний**  
**номидаги Шарқшунослик**  
**институти катта илмий ходими,**  
**тарих фанлари бўйича**  
**фалсафа доктори**

# Harbiy terminologiya

Мустақиллик даври ўзбек тили ҳарбий терминологиясининг шаклланиш ва ривожланишига тўртки бўлган ижтимоий шарт-шароит ва омиллар, ҳарбий терминлар тизимининг тараққий этишида ўзбек тили қатори бошқа тилларнинг ҳам салмоқли ўрни бор. Истиқлол йиллари ўзбек ҳарбий терминологиясида ҳам кўплаб ўзгаришлар юз берди.



# АЛП, БОТУР, ЎҒЛОН



## ЎЗ ДАВРИНИНГ УНВОНЛАРИ



Бугунги кунда «Қуролли Кучлар», «армия» маъносида фаол қўлланаётган қўшин термини қўшун шаклида ўзбек тилига мўғул тилидан ўзлашган. Чингизийлар қўшинида ушбу истилоҳ махсус ҳарбий қисми билдирган. Темурийлар даврида 50 тадан 100 тагача жангчидан ташкил этилган кичик ҳарбий бўлинмалар қўшун деб юритилган. Низомуддин Шомий «Зафарнома» асарида бир ўринда Амир Темур 200 та аскардан тўрт, бошқа бир жойида 600 жангчидан етти қўшин тузишга буйруқ берганини таъкидлайди.

Кундалик ҳаётимизда «алп», «ботир», «ўғлон» сўзларига кўп бор дуч келаемиз. Ёши улўғлар бежиз «алп йигит бўлсин», «билаги зўр ботир бўлсин», дея дуо қилишмайди. Чунки бу сўзлар ўз даврининг ҳақиқий унвонлари эди. «Алпомиш» достонида Ҳакимбек алплик мақомини олгунича бир қанча мураккаб синовлардан ўтиб боради ва Алпомиш номини олади.

Кўк турк хоқонлигида навқирон, ёш жангчилардан тузилган қўшин Ўғлон термини билан аталиб, уларнинг сони етти-ўн минг атрофида бўлган. Ҳар бир жангчининг жисмоний етуклиги ва жанговар салоҳияти индивидуал тарзда баҳолашиб, баҳодир, мард, паҳлавон аскарларга алп, алпағу унвонлари берилган. Ҳатто моҳир ўқ отувчи, яъни мерганлар ҳам алп унвонига сазовор бўлишган.

Энг асосийси, жангда матонат ва қаҳрамонлик кўрсатан аскар шарафли ботур унвонига муносиб топилган (Қиёсан олиб қаралганда ҳозирги «Мард ўғлон» унвони). Шу билан бирга, «жангчи», «аскар» ва «қўшин» маънолари чериг истилоҳи қатори эр, эран сўзлари билан ҳам ифодаланган.

Маълумот учун айтиш керакки, форс-тожик тилидан ўзбек тилига кирган сарбоз ўзлашмаси XIV-XV асрларда «аскар», «жангчи» маъносини бирдирган. XIX асрга келиб ушбу истилоҳнинг маъносида муайян ўзгариш содир бўлган. Чунончи, Бухоро амирлигида мунтазам пиёда қўшин, Қўқон хонлигида эса европача андаза бўйича шакллантирилган мунтазам пиёда қўшин аскарлари айна истилоҳ билан аталган.

Амир Темур ва Темурийлар даврида «қўшин», «армия» маъносини ифодалаш асосан Кўк турк хоқонлиги ва Қорахонийлар замонида су истилоҳи билан ёнма-ён қўлланган чериг ҳамда форс-тожик тилидан ўзлашган сипоҳ терминлари зиммасига юклатилган, айрим манбаларда Хоразмшоҳлар даври ҳарбий терминлар тизимида фаол ишлатилган арабча жайш истилоҳининг ҳам истеъмолда бўлганини кўриш мумкин. Амир Темур қўшинида турли туман, вилоят, ўлка, юртлардан олий фармонга кўра, йиғилган отлик ҳамда пиёда жангчилар форсча-тожикча лашкар ўзлашмаси билан англашилган.

Бобур ва Шайбонийхон қўшинида «лашкар», «аскар» маъносини ифодалашда сипоҳ, чериг, лашкар терминлари қатори, мўғулча навкар ўзлашмасининг қўлланиш даражаси ҳам анча баланд бўлган. Чингизийлар даврида навкар истилоҳи хон ёки бошқа мўғул раҳнамолари хизматида бўлган шахс (дружиначи) ларга нисбатан қўлланилган. Тарих навкарларнинг мустақил корпус ва қўшинга қўмондонлик қилганлигидан далолат беради.

«Ўзбек ҳарбий терминологияси» илмий-услубий қўлланмасида ёзилишича, Қорахонийлар қўшини қўмондонлар таркибини шакллантирган субоши, сипоҳсолор, амир, волий сингари ҳарбий мансаб эгалари шахсан салтанат ҳукмдори хоқон, улус бошлиғи элиг ёки хонга бўйсунган. Саркардалар таркиби нафақат оқсуяк зодагонлар, балки омма ичидан етишиб чиққан шахслардан иборат бўлган.

«Қурол-яроғ» маъносидаги қур сўзидан ҳосил бўлган қурчи истилоҳининг дастлаб қўлланиши XIV асрга тўғри келади. Соқчилик билан шуғулланган қурчи кези келганда муайян аскарарий гуруҳга раҳбар этилиб, ҳарбий ҳаракатларга жўнатишган.

«Қурол-аслаҳа» маъносидаги «яроғ», «яроқ» термини билан ёнма-ён арабча «силоҳ», «салоҳ» ўзлашмаси ҳам фаол қўлланишга кирган. Советларнинг турли ашёлардан ясалиши уларни англлатувчи истилоҳларда ҳам ўз ифодасини топган. Чунончи, симдан тўқилган совет тури жавшан деб номланган, жавшаннинг устидан хитой шойисидан тикилган тўн кийилган, бундай ҳимоя тури билан таъминланган аскар жавшанлиғ термини билан аталган.

Совет сўзига маънодош «чоройна» атамаси ҳам халқ озаки ижодида кенг қўлланилган. Жангчининг ўқ, тиғ зарбидан сақланиш учун баданига ўраб боғланадиган ҳарбий аслаҳа шундай аталган. У тўрт парча ясси металлни бир-бирига бирлаштириб ясалган.


Дарвоқе, ҳозирги миллий армиямизда «жанговар қичқир» термини амалда фаол қўлланилаётгани барчамизга маълум. Тарихда рақиб қўшинлар бир-бирига рўпара келгач, қурол-яроқларини юқори кўтариб, баланд овозда қийқиришиб, шовқин-сурон кўтаришган. Улар биргаликда туркийча «хаю ҳай» («ура») сўзини биргаликда айтишган.

**Катта лейтенант Бобур ЭЛМУРОДОВ,**  
«Vatanparvar» муҳбири,  
Қуролли Кучлар академияси мустақил изланувчиси

Биз амалда қўллаётган ҳарбий атамаларнинг аксарияти моҳиятан Кўк Турк хоқонлиги ва Қорахонийлар даври қўшин тузилиши билан боғлиқлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, VII-X асрларда қўлланишда бўлган қадимги туркий тилга хос истилоҳлар билан ёнма-ён янги тушунча ва маъноларни ифодаловчи терминлар муомалага кириб келди. Қорахонийлар салтанати қуролли кучлари тизими ва қурилиши хусусида маълумотлар асосан «Қутадғу билиг» ҳамда «Девону луғотит турк» асарида ўз аксини топган.

Ҳамидулла Дадабоев ва Ҳамид Ёдгоров муаллифлигидаги «Ўзбек ҳарбий терминологияси» илмий-услубий қўлланмада муодофаа тизимига оид истилоҳларнинг келиб чиқиши, маъноси ва қўлланилиш даври юзасидан муҳим фактлар баён қилинган.



## # Mulohaza

Maktab hovlisiga kirib borar ekanman, guruh-guruh bo'lib turgan o'smirlarga ko'zim tushdi. Ularning har biri bir olam. Menga, chamasi, oltinchi sinf o'quvchisi turtilib ketdi. U turtilib ketgani uchun uzrni "rep" usulida so'radi. Keyin e'tibor bersam, hamma bilan shunday gaplashar ekan. Bu meni hayron qoldirdi. Ha, yoshlarning qiziqishlari odamni hayratlantiradi. Ularning munosabatlari ham ajabto'vur. Lekin ko'p hollarda biz buni to'g'ri tushunib, to'g'ri qabul qila olmaymiz.

# KO'ZLARIMIZNI KATTAROQ OCHAYLIK



Bir necha yil oldin bolalar fikrini maktab shakllantira olardi. Bugun esa unday emas. Bola mutlaqo maktabdan tashqariga chiqib ulgurgan. Ular sinfda o'tirishsa ham o'y-xayollari hech qachon darsda bo'lmaydi.

...Amaliyotga borganimda 6-sinflarning ona tili va adabiyot darsiga kirdim. Ustoz avval ishni bolalarni tinchlantirishdan boshladi. Negadir bu menga tabiiy ko'rinmadi. Ular o'yinqaroqdir, yoshdir, ammo olti yil ichida ustoz xonaga kirganda o'zini qanday tutish kerakligini o'rgangan bo'lishi kerak emasmi?

Nihoyat, dars boshlandi. Harqalay, o'tgan mavzuni takrorlash va uyga vazifalarni so'rash bilan darsning yarmi o'tdi. Shunda o'qituvchi bolalardan: "O'zbek tiliga qachon davlat tili maqomi berilgan?" deb so'radi. O'sha paytda men o'quvchilar bu savolning javobini bilishmasa-da, hech bo'lmasa kitobni varaqlab, javob berishadi, deb kutdim. Ammo ular kitobni varaqlash tugul unga qo'l ham tekkizishmadi. Shunda angladimki, XXI asr bolalarida ustozining savoliga to'g'ri javob berib, o'zining bilimligini isbotlash ishtiyoqi tag-tugi bilan yo'q ekan. Demak, ular ustozni hurmat qilishmaydi! Bir payt orqa partadagi bolalarning suhbat qulog'imga chalindi:

– Nurillo, PUBG qachon yaratilganini bilasanmi?  
– Ha, bilaman, u 2017-yil yaratilgan. Ustoz bizdan qayerdagi sanalarni so'raydilar, undan ko'ra kompyuter o'yinlari haqida so'rasalar, "chochib" tashlaymiz.

Bolalar hiringlab kulgan bo'ldi.

Bu suhbatdan hang-u mang bo'lib qoldim. Vahshiylik va jangarilikni targ'ib qiladigan bu o'yin haqida 12 yoshli bolalarning fikri o'yga toldirdi. Bu o'yinning qachon, kimlar yaratganigacha batafsil ma'lumotga ega ekanliklarini eshitib, allaqachon uning domiga tushib qolganliklariga shubha qilmadim.

Biz kelajakka kimlarni yetishtiryapmiz?

Ularning qiziqishlari, o'y-xayollaridan xabardormizmi? Maktabda fanlarni qanday o'zlashtiryapti? Balki,

fanlar samaradorligini, o'zlashtirish foizini

oshirish uchun ijtimoiy

tarmoqlarga,

o'yinlarga

yuzlanishimiz,

dars

jarayonida

interaktiv

metodlarga

murojaat qilishimiz

kerakdir. Bu gapim

bilan bolalardek fikrlik

demoqchi emasman.

Ammo ular ko'proq nimaga

moyil va kunning ko'p qismini

qaysi tarmoqda o'tkazishi bilan

qiziqsak, til topishishimiz osonroq

bo'ladi, deb o'ylayman. Chunki har

qanday fandagi yangi mavzuni o'quvchilar

qiziqadigan tilda tushuntirsak, menimcha,

o'zlashtirish samaradorligi ham yuqori bo'ladi.

To'g'ri, bugungi kun yoshlarini ijtimoiy tarmoqlardan

yulib ololmaymiz. Bunga urinish sahroda qum

orasidan oltin qidirgandek gap. Birgina yo'li ularga

maktabda ta'lim-tarbiya berishning zamonaviy

usul va uslublaridan foydalanish maqsadga

muvofiq bo'ladi. Bu, albatta, o'qituvchining tajriba

va malakasiga bog'liq. Kuzatishlar davomida

anglaganim – bugunning bolalari qobiliyatsiz emas.

Faqat ularga yetarlicha bilim berilmayotgandek

tuyuldi menga. Yana bir afsuslanarli hol: maktab

ma'muriyatining o'quvchilar bilim va saviyasi bilan

ishi yo'q. Ular faqat turish-turmushiga, kiyimi

holatiga javobgardek. Oldinlari shunday gaplarni

eshitsam, ishonmasdim, ammo yaqindagina bunga

o'zim guvoh bo'ldim. Maktabga kirib kelayotgan bola

dars qilmaganligidan xavotirlanmaydi, aksincha

maktab ma'muriyatining hozir formasidan qandaydir

kamchilik topib, hammaning oldida mulzam

qilishidan hayiqadi. Maktab ma'murlariga hatto

o'quvchining sumkasi ichida kitob, daftar bormi-

yo'qmi, bu ham qiziq emas, ularga faqat forma qiziq.

## MAKTABDA GUVOHI BO'LGANIM YANA BIR VOQEA...

To'g'risi, bu haqda yozsammi-yo'qmi, deb ancha o'ylandim. Bu aynan maktabda o'qiyotgan qizlarimiz haqida. Bir necha yillar oldin maktablarda ro'molli qizlarni uchratish qiyin edi. Qizlar doimgidek oddiy kiyinishardi. Lekin ularning odobi va hayosi yaxshi edi. Hozir bir qarashda odobda tengi yo'q ko'ringan qizlarning og'zidan chiqayotgan so'zlarni eshitishga quloqlaringiz "hayo" qiladi.

Shu o'rinda amaliyotga borganimda guvohi bo'lgan bir voqea haqida aytib bersam. Dars tugagandan so'ng yo'lak bo'ylab o'zimizga birkirtilgan ustoz bilan dars mazmuni va o'quvchilar xarakteri haqida gaplashib ketayotgandik. Tanaffus bo'lganligi sababli yo'lakda o'quvchilar yugurib yurishar edi. Shu payt orqadan ikki qizning "ustoz, ustoz", deb chaqirgani eshitildi. G'alg'ovur ichida bizni chaqirgan qizni topib olishimiz qiyin bo'ldi. Ustoz ularga o'girildi, shunda ro'mol o'ragan, chamasi, yettinchi yoki sakkizinchi sinf o'quvchilari ustozga qarab haqoratli so'z aytishdi-yu, indamay orqaga burilib ketishdi. Yonimizdagi ustoz qizarib ketdi. O'sha onda nima bo'lganini anglolmay qoldik. Turgan yerimizda hammamiz bir-birimizning ko'zlarimizga qarolmasdik...

Aynan shu voqea menga juda yomon ta'sir qildi. Butun umrini yoshlar ma'naviyatiga bag'ishlagan, tun-u kun faqat o'quvchilari uchun qayg'uradigan ustozlarga bo'lgan munosabat qachon o'zgardi?! Afsuski, o'quvchilarning aksariyat qismi ustozlarni hurmat qilish tugul, hatto hayiqmay qo'yishibdi. Buning sababini topish uchun uzoq o'yladim. Menimcha, ustozlarga bo'layotgan munosabatning qandayligi oilasida olayotgan tarbiyasiga ham bog'liq. Oldinlari ota-onangga aytib beraman yoki ularga munosib farzand bo'lmayapsan, deyishsa, ustimizdan muzdek suv quyilgandek his qilardik. Hech qachon uyga ustozlarimiz ustidan shikoyat qilib borolmasdik. Agar shunday qilgan taqdirimizda ham ota-onamiz: "Sen o'zing noto'g'ri ish qilgandirsanki, shunday bo'lgan, ustozing haqida nega nojo'ya gaplarni gapiryapsan?" degan tanbeh eshitardik. Bugun-chi? Bugun aksariyat ota-onalar maktabga va ustozlarga past nazar bilan qarashadi. Farzandlarida ham shunaqa fikrni shakllantirishgan. Kezi kelganda, qo'shilib yomonlaganlarini ham eshitganmiz... Ota-onadan bunday munosabatni ko'rib katta bo'lgan o'g'il-qizlar ular uchun umrini sarflayotgan ustozlarning qadrini qayerdan ham bilsin?!

Ushbu yoziqlarim orqali bugungi kun maktablarimizga turli rakurslarda nazar tashlashga harakat qildim. Buni uddaladimmi-yo'qmi, bilmadim. Harqalay, ko'zlarimizni kattaroq ochib, e'tiborning katta qismini maktablarga qaratish kerak, degan xulosaga keldim. Afsuski, bu yerda aytilmagan fikrlar bisyor.

Muattar MELIYEVA,  
"Vatanparvar"

# Oramizdagi odamlar

Ҳар бир инсон ҳаёти бир китовга мавзу, десак, янглишмаймиз. Қандай умр кечиришидан қатъи назар, албатта, ҳаёт синовларига рўбарў бўлиши аниқ. Синовларни қандай енгив ўтиш эса ўзига ҳавола. Бир ҳақиқат аёнки, инсоннинг умр бошида танлаган йўли умр охиридаги ҳаётини белгилайди.

# ҲАРБИЙЛАР САФИДА 52 ЙИЛ



Кексаликдаги обрў-эътибор, эъзоз ва ҳаловат босган қадами мевасидир. Ҳарбий соҳада фаолият юритиб, истеъфога чиққан ҳарбий хизматчилар сафида нуроний ёшдагилар кўпчиликини ташкил этади. Бу заҳматкаш инсонлар орасида мўътабар ёшда ҳам хизмат қилаётганлари борки, уларнинг ғайрат ва шижоатига ҳавас қиласан, киши.

Эрталаб ишга йўл оларканман, мен каби ишга, ўқишга шошилаётган юзлаб инсонларга дуч келман. Асосан ёшлар. Улар ичида чеҳраси нурли, нигоҳида ҳаётдан мамнунлик ва шукроналик зоҳир бир инсонга кўп бор дуч келман. Илдам ҳаракатидан бажараётган ишига бўлган ҳурмат ва иштиёқни англаш қийин эмас...

## ОИЛАНИНГ СЕВИМЛИ ФАРЗАНДИ

Наманганнинг Янгиқўрғон қишлоғи. Қишлоқ аҳли Аълохон ака билан Фанюра опа оиласини ҳурмат ва ҳавас билан тилга олади. Қирқ беш йил ҳайдовчилик қилган оила бошлиғи, умрининг эллик йилини ҳисобчилик касбига бағишлаган хонадон бекаси уч ўғил ва икки қизни ўзлари каби эл қорига камарбаста қилиб вояга етказишди. Беш фарзанд ҳам олий маълумотли бўлиб, икки шифокор ва уч муаллим юрт хизматида бел боғлади.

Хонадон фарзандлари спорт билан шуғулланар, республика фан олимпиадаларида иштирок этиб, эътироф топган билимдонлардан эди. Сизга таништирмакчи бўлган мақоламиз қаҳрамони истеъфодаги тиббий хизмат полковниги Алимхон Валиев мана шу эл назаридаги оиланинг сеvimли фарзандларидан бири.

Ота-она оиладаги барча фарзандини бирдек кўради, бир хил таълим-тарбия беради. Аммо ўғил-қиз-

лар вояга етгач, қайси биригадир кўпроқ ишонади, кўпроқ таянади. Алимхон ака ота-она ишончини оқлаган шундай фарзанд бўлди. Олтинчи синфда билимдонлиги билан юқори натижага эришган болакай иқтидорли ўқувчилар сафида Тошкент, Москва, Ленинград бўйлаб юрт кезишга мушарраф бўлган.

– Онам ҳозир тўқсон икки ёшда, суҳбатлашсангиз, фикрининг теранлигига ҳайратда қоласиз, – дейди Алимхон ака суҳбат орасида. – Ҳар куни телефонда гаплашаман, Янгиқўрғонга бориб кўриб келишга ҳаракат қиламан. Сезиб тураман, онаизорим доимо йўлимга кўз тутиб яшайди...

Дарҳақиқат, Наманганда умргузаронлик қилаётган Фанюра опа сеvimли фарзандининг йўлига кўз тутишдан чарчамайди. Етмишни қоралаётган ўғлони юрт хизматида эканидан фахрланади.

## ҲАРБИЙ ТИББИЁТДАГИ СИНОВЛИ ЙИЛЛАР

Мактабни аъло баҳоларга тутатган Алимхон 1970–1976 йилларда Ленинград Ҳарбий тиббиёт академиясининг ҳарбий тиббиётни ташкиллаштириш йўналишида тахсил олди. Олийгоҳдан сўнг ҳарбий тиббиёт соҳасидаги фаолияти бошланди. Дастлаб, Фарғона шаҳридаги ҳаво-десант кўшикларида тиббиёт пункти бошлиғи, Самарқанд шаҳридаги танкчилар ҳарбий қисмида лазарет бошлиғи, Ашхободаги Туркман давлат тиббиёт институти ҳарбий кафедрасида ўқитувчи, Андижон давлат тиббиёт институтида Ҳарбий тайёргарлик кафедраси бошлиғи, Қуролли Кучлар академиясида фронт орти таъминоти кафедраси катта ўқитувчиси вазифаларида хизмат қилди. Фаолияти давомида 1979–1980 йиллар Афғон урушида иштирок этди ва бу ҳаётида ўчмас ҳамда оғриқли из қолдирди.

Тиббий хизмат полковниги Алимхон Валиев 2001 йили захирага бўшатишга, Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали қошидаги Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш марказида катта ўқитувчи, 2007 йилдан буён эса Мудофаа вазирлиги марказий аппаратида фаолият юритиб келмоқда.

У қаерда, қайси вазифада фаолият юритмасин, илқидаги бурчга фидойилик ила ёндашгани, билимдонлиги ва заковати, шогирдларига ўз ўрнида қаттиққўл, ўз ўрнида ғамхўр ва меҳрибонлик билан устозлик сабоғини берганидан воқиф бўлдик.

Ёдга олишни истаймизми-йўқми, Афғон уруши фожияси, урушга юртимиз фарзандларининг сафарбар этилгани, неча юзлаб оилаларга қайтган темир тобутлар, айриликлар, аламлар... тарихимизга муҳрланган. Алимхон ака ҳам ёш, забардаст офицерлар қаторида урушда иштирок этди. Агар эътибор қилсангиз, уруш иштирокчилари воқеаларни хотирлашдан ўзларини олиб қочади. Тўғрироғи, руҳий изтиробга қайтишни истамайди. Шундай бўлса-да, Алимхон акадан Афғонистон билан боғлиқ хотираларга қисқача тўхталиб ўтишини илтимос қилдим.

– Уруш қаерда, қандай ҳолатда бўлмасин, ўзининг қонли изи, азобли хотирасини қолдиради, – дейди суҳбатдошим афғон элидаги дилида қолган воқеаларга тўхталар экан. – Афғон уруши ҳам худди шундай. Биз, ҳарбий шифокорлар у ерда нафақат ярадорларни даволардик, балки ҳалок бўлган аскар ва офицерлар билан ҳам шуғулланардик. Кечагина ёнингда турган навқирон йигитларнинг йўқликка юз тутиши... Чўнтагидан чиққан яқинларининг расмлари, соғинч хатлари... Юрагингиз эзилмай иложи йўқ. Мен билган, кўрган Афғонистон орадан қирқ йилдан зиёд вақт ўтганига қарамай, ҳамон ўзгармаган. Айтмоқчиманки, ўша пайтда афғонларнинг аёлларга, хотин-қизларга бўлган муносабатидан дилим вайрон бўлганди. Бундай дейишимга сабаб биз хизмат билан бир жойга боришимизга тўғри келди. Машинада кетаётсак, йўл четида ётган аёлга кўзим тушди. Юзи кўринмаса-да, кийимларидан ёш экани кўриниб турарди.

– Машинани тўхтатинг, унга ёрдам бериш керак, – шифокорлигим устун келди.

– Бу ерда бегона аёлга қўл теккизиш мумкин эмас, – афғон юртининг қонун-қоидасини қайта эслатди ёнимдагилардан бири. – Орамизда аёл киши бўлганида бошқа гап эди. Шунинг учун аёллар бу ерда уйдан ташқарига маҳрамсиз чиқмайди. Бу аёл қандай қилиб кўчага ёлғиз чиққан, билмадим.

– У ҳам инсон, она-ку! Юзтубан ётишидан ёрдамга муҳтож ахир!

– Кўрмаяпсизми, атрофидаги юртдошлари индамай ўтиб кетяпти. Унга ёрдам беришга ўз элатининг ҳадди сизмайди-ку, бизга йўл бўлсин. Бирорта аёл келиб қолса, ёрдам беради.

Аммо йўл юзида хотин зоти кўзга ташланмасди. Керакли ман-

зилга бориб, ишимиз битгач, икки соатларда ортга қайтдик. Не кўз билан кўрайки, аёл ҳамон йиқилган жойида ётарди...

## МЕҲРИБОН ОТА, САДОҚАТЛИ УМР ЙЎЛДОШ

Инсон қайси касбда ишласин, ҳаётида оила муҳим ўрин тутди. Заҳматли ва шарафли касб эгалари бўлган ҳарбий хизматчилар учун бу «юк» янада залворли. Бу жиҳатдан Алимхон ака каби оилапарвар инсонлар ёшларга ўрнак бўлса арзийди.

Алимхон ака Руқияга кўнгил қўйганида ҳали курсант эди. Кўп ўтмай, уларни муҳаббат ришталари бирлаштирди, тўйлари бўлиб ўтди.

– Умр йўлдошим билан 30 йил бирга яшадик, фарзандлар улғайтирдик, ҳаёт синовларини биргалликда енгив ўтдик, – дейди суҳбатдошим оила ҳақида тўхталар экан. – Фақат рафиқам мени эрта ташлаб кетди. Инсоннинг қанча яшагани эмас, қандай яшагани муҳим, деганларидек, биз яхши яшадик, бахтли яшадик...

Алимхон аканинг бу иқрори ўринли, шубҳасиз. Бунинг оиланинг эл орасида ибратли, ўғилларининг юрт назарида эканидан ҳам билса бўлади. Барчасида эр-хотиннинг меҳнати, заҳмати, тарбияси мужассам. Ватан хизматида қад ростлаган полковник Санжар Валиев, подполковник Алишер Валиев ва уларнинг ўғил-қизлари ҳақида фақат илиқ фикрлар эшитиш мумкин.

## ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОДАГИ УМР

Юртимизда катталарга нисбатан иззат ва эътибор, меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш ўзига хос анъанага, қадриятга айланган. Бунинг ҳар қадамда кузатиш мумкин. Оилада, жамият орасида, хизмат жойларида ёши улўғларга алоҳида эътибор қаратилади, ҳурмат кўрсатилади. Мамлакатимизда октябр ойининг биринчи ҳафтаси «Кексалар ҳафтаси» деб белгилангани ҳам фикримиз далилидир. Улардаги ҳаёт тажрибаси, касб малакаси ёшлар учун катта аҳамиятга эга.

– Устозлик мақомига эришиш, ёшлар билан ҳамнафас бўлиб фаолият юритиш мен каби инсонлар учун завқли ва фахрли албатта, – ним табассум-ла фикр билдиради Алимхон ака. – Ҳар бир соҳанинг ўз сир-асрори бор. Қайси бир касб эгаси бўлмасин, тажрибасини шогирдларга сингдириши шарт. Кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик борасида тўхталадиган бўлсам, бу миллий қадриятларимизда ҳам, Президентимиз томонидан жорий этилаётган қарорларда ҳам бўй кўрсатиб турибди. Мудофаа вазирлиги тизимида эса истеъфодаги ҳарбий хизматчиларга алоҳида имтиёзлар мавжуд. Бир сўз билан айтганда, юртимиздаги ёши улўғлар энг бахтли кексалар, дейишга ҳақлиман.

Ҳаётдаги хоббиси мамлакатимиз ва дунё тарихини ўрганиш, шиори илқидаги бурчга содиқлик бўлган истеъфодаги тиббий хизмат полковниги Алимхон Валиев каби заҳматкаш инсонлар орамизда экан, ўзлимиз завол топмайди, улўғ инсонлар фахримиз бўлиб қолади.

Зулфия ЮНУСОВА,  
«Vatanparvar»



# «АЛҚОР, НЕГА КЎЗИНГ НЕГА КЎЗИНГ»

«Онамдан эрта айрилдим, уруш йилларида улғайдим. Меҳрга ташналик, очлик, асл қийинчилик нима – барини эрта тўйдим. Бу мени қалам тутив, кечинмаларимни қоғозга туширишга ундади», дейди ёзувчи, шоир, публицист Асад Асил. Қийинчилик инсонни ҳам руҳан, ҳам жисмонан тоблади ҳамда матонатини чиниқтиради. Айниқса, ижодкорни дард улғайтиради. Қаҳрамонимиз ҳам ана шундай тақдирни яшаб, қўлига қалам тутган. Биз бугун ёзувчини суҳбатга чорладик.



**Маълумот учун:** Асад Асил 1941 йил 14 июлда Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги Хондайлик қишлоғида таваллуд топган. Бўстонлик, Қибрай тумани газеталари, кейинчалик эса «Шарқ юлдузи» ва «Гулистон» журналлари таҳририятларида фаолият олиб борган. «Лочин», «Меҳр», «Тоғликлар» номли қисса ва ҳикоялар тўпламлари, «Алқор, нега кўзинг тўла ёш?» воқеий ҳикоялар ва бир қатор илмий қўлланмалар ва бадиий публицистик мақолалар тўпламлари муаллифи.

## «15 ЁШИМДА БИРИНЧИ МАРТА МИЛТИҚ ТУТГАНМАН»

Инсоннинг хотира парчалари юрагидан, ёдидан буткул ўчиб кетмайди ва ҳар эслаганида ё сабоқ беради, ё таскин. Бизнинг ёшлик давримиз яшаш жуда оғир пайтларга тўғри келган. Отам раҳматли: «Уруш бошланганда бир ойлик чақалоқ эдинг. Ҳали чақалоқлигингда мен урушга кетганман. Урушда душман танки оёғимни мажақлаб кетганидан кейин, қайтиб келганимда икки ёшга етиб қолганинг... Мени зўрға танигансан...» деб эслардилар. Кейин бир оғир тасодиф билан онамиздан ҳам айрилиб қолганмиз... 15 ёшда эдим ўшанда. Сизга айтсам, 41-йиллар қисмати жуда оғир бўлган. Бир достон ҳам ёзганман «Қирқ биринчи йиллар қисмати» деб номланган. Ўша йили биринчи марта қўлимга милтиқ тутдим. Ҳам тирикчилик, ҳам қизиқиш сабаб. Милтиқ дадамники эди, улар ҳам гоҳида овчилик билан шуғулланар эдилар. Бу ҳунарни ташлаганларидан кейин уни мен давом эттирдим. 30-40 йилча овчилик қилдим, асосан қушлар, чўл ҳайвонларини овлаш ёқар эди.

Бу орада астойдил ўқиганим учун Педагогика институтининг Педагогика факультетига ўқишга кириб олгандим. Буни қарангки, Тошкент шаҳрида ё Тошкент вилоятида яшаган ёшларга стипендия ҳам, ётоқхона ҳам берилмас экан. Ана ундан кейин кўрингки, ўқишимни сиртқиқа ўтказишга мажбур бўлганмиз. 60-70 чақиримли қишлоқдан қатнаб ўқиб бўлмас эди-да. Шундай қилиб, излана-излана, сиртқи ўқишнинг иккинчи курсига қабул қилинганман. Шу ерда умр йўлдошим билан танишиб, аъло баҳоларга битирганмиз. Тақдиримиз шунақа ажойиб кечган. Ҳақиқий маънода ҳаёт қийинчиликлари зиммамизга тушган эди.

Ёшлиқда Худойберди Тўхтабоев билан бирга ишлаганмиз. Улар айтганларидек, асар катта бўлгани билан



## «ТЎЛА ЁШ?»

одамни таъсирлантirmаса, у асар эмас. Кўп ёзмайман, лекин кам ёзсам ҳам шу жиҳатга қаттиқ эътибор бераман. Кўпроқ табиатни, жониворларни тасвирлашга ҳаракат қиламан, асарларимда...

### «МИЛТИҒИМНИ СИНДИРИБ ТАШЛАГАНМАН»

Ҳаётни ўрганиш учун ҳеч нимадан қайтмаганман. Қишлоқми, шаҳарми, тоғми, чўлми, қандай жойлар бўлмасин, ўша ерларда ўзим гувоҳи бўлган воқеаларни тасвирлашга интилганман. Ана шундай ҳаётини воқеалар асосида «Алқор, нега кўзинг тўла ёш?» деб номланган асарим яралган. Унда ҳикоялар ҳам, хотиралар ҳам, публицистик материаллар ҳам бор. Шу ҳаётини воқеаларни очиқ айтиш биз учун ҳам қийин бўлган. Шу сабаб танқидийроқ руҳда ёзилган ушбу китобимни кам нусхада чоп этганмиз, ҳозир ўзимда бир дона қолган. Қайта нашр қилдирилмаганман, балки авлодларимиз келгусида қайта нашр қилдиран...

Экожурналист табиатни ҳимоя қилади, овчи эса аксинча, деб ҳайрон қолишингиз мумкин. Менга бу борада кўпчилик савол билан мурожаат қилган. Овчиликни ташлаганимдан сўнг экожурналистикага жиддий қарай бошладим. Бунга бир воқеа сабаб бўлган. Кунлардан бир куни қопқонимга тулки боласи тушиб қолди. Югуриб бориб қараган эдим, мўлтираб турган тулқичанинг кўзида беихтиёр боламнинг кўзини кўргандай сесканиб кетдим. Тулки боласи жуда кичкина эди ва жони оғриётгани яққол билинарди. Биринчи марта қопқонга тушган ҳайвонга раҳимим келди ва уни қўйиб юбордим. Уйга борсам, боламнинг мазаси бўлмай, аяси шифохонага олиб кетаётган экан... Боламнинг кўзларида беихтиёр тулки боласининг мўлтираб қарагани гавдаланди. Шу воқеа бўлиб милтиғимни синдириб ташлаганман ва жониворларни, табиатни муҳофаза қилишга қаттиқ бел боғлаганман.

### «ТАБИАТ БИЗНИНГ ҲАЁТИМИЗ»

Ижодда асосий танлаган мавзуимдан биттаси экология. Мақолаларни очиқ-ойдин жуда қатъият билан, бор ҳақиқат билан ёзишга ҳаракат қиламан. Бу борада «Алқор, нега кўзинг тўла ёш?» қисман экология билан ҳам боғлиқ экани ҳақида юқорида айтиб ўтдим. Ҳамма энг яхши китобингиз шу экан, дейди. Бу жуда бўлак хотиралар билан ёзилган асар эканини тан оламан. Ҳатто Бўстонликқа бағишланган

«Тақдиринг кимларга қолди?» деб номланган шеърим айрим раҳбарларнинг эътирозига ҳам сабаб бўлган, пайти келганда. Унда сувга турли чиқиндилар ташланиши, одамлар булоқ суви деб узоқлардан келиб ичадиган сувда кир ювиши, ювиниши каби кўнгилсиз ҳолатларни қаттиқ танқид қилганим сабаб. Экология деганимиз, аввало, атроф-муҳит муҳофазаси дегани. Табиат бизнинг ҳаётимиз. Ўзимиз ҳам унинг бир бўлагимиз.

Бир нарса муҳим, ёзувчи, журналистлар ҳаётнинг ичида бўлиши керак. Чекка-чекка ҳудудларга эринмай бориб, халқни, табиатни кузатиб бориши лозим. Одамлар миясидаги чиройли нарсаларни гапириб беради. Ҳақиқий ижодкор бу халқнинг ўзи, аслида. Масалан, Носир Фозиловнинг бир асарида икки деҳқон суҳбатини ўқиган эдим. Сўзма-сўз ёдимда йўғу, мазмуни шундай эди: «Бизнинг ерлар барибир зўр, оёғингни шудгорга суқиб ўтирсанг, қулоғингдан барг ўсиб чиқади...» Қаранг, деҳқондан чиққан гап шу. Шуларни ёзиш учун ҳам экожурналистлар, табиат ёзувчилари керак. Бу учун халқнинг ичида эринмай юриш лозим.

### «БУТУН ОДАМ БЎЛИШ КЕРАК»

Бизнинг Бўстонликда Сидқий Хондайликнинг исми маърифатпарвар жадид ёзувчи яшаб ўтган. 19 ёшида озодликни куйловчи, ўша замоннинг ноҳолис, халқни ўйламайдиган бойларни танқид қилувчи шеърлар ёзгани учун 20 га кирмай водийга қувғин қилинган ва 3 йил қувғинда юрган. У инсон вафотидан кейин 100 йиллигида илк китобини нашр қилишга эришдик. Шу инсоннинг ижодини илмий жиҳатдан ўрганиб, келгусида яхши бир илмий рисола яратиш ниятидаман. Сидқийнинг бир ўғитини айтаман сизга. Одам 3 хил бўлар дейди у: ярим одам, бутун одам ва одам ҳисобида бўлмаган одам. Бутун одам улдирик, ўз аҳлига, касбу корига машғул бўлиб, киришур ва тиришур. Ярим одам улдирик, бир ишнинг хизматидан чиқа олмас, лекин ўзганинг далолати билан киришур ва тиришур. Одам сифатида бўлмаган одам эса на унисининг, на бунисинг уддасидан чиқар. Улар текинхўрлар, дангасалар, ялқовлар жамоаси эрурки, таъма бир-ла кечадур. Одамлар бутун бўлиши керак.

Юлдуз ЎРМОҒОВА оққа туширди.



## # Hikoya



Мен ким,  
Мен бир мунглиз сингил, тиловчиман,  
Огаларим кипригим-ла силовчиман.  
Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА

# ВИДО

Пастак уйнинг қуёш  
нурлари мўл-кўл тушадиган  
хонасида хаста қария  
сас-садосиз ётар, пойгак  
томонда беш ўғил унга  
термилиб, тизилишиб  
ўтирар эдилар. Шу пайт  
эркаклардан энг ёши  
ўрнидан сакраб туриб, эшик  
томон зипиллади ва ортига  
ўгирилиб пичирлагандек,  
«аммам келяптилар», деди.  
Ҳаммалари сергакланиб  
ўринларидан турдилар.

Пича вақт ўтиб, оппоқ кенг  
кўйлақларини ҳилпиратиб, кал-  
лапўши устидан ташлаб олган  
шол рўмоллари ярашган, саксон  
ёшида ҳам қадди тик Жангил  
амма остона ҳатлаб ичкарига  
кирди. Хонани бир зумда райхон  
ҳидлари тутиб кетди.

– Жангилим келди, жан-  
нат бўйли Жангилжон синглим  
келди, – деди қария ўрнидан  
туришга интилиб.

Кампир жиянларига бош  
ирғаб қўйди-да, тезгина бориб  
қарияни ётган жойида бошидан  
кучди, юзларини силаб-сийпа-  
лади, қўлини олиб юзига босди,  
табассум билан ҳол сўради.

– Жангилжон, сафарим қа-  
риди. Кампирим ҳам йўл қараб  
хоригандир, кўп қолиб кетдим.

– Акажон, ҳамсоямиз Раҳмат  
қора юзга қараб кетяпти, йигит-  
лардек бардам, тўйма-тўй юриб-  
ди. Ундан ўн ёш кичиклигингиз  
бор. Сизга нима бўлди? Нега  
бундай эрта таслим бўляпсиз?

Ака-укалар аммаларининг  
кўнгил сўрашини эшитиб,  
бир-бирларига зимдан қараб  
қўйишди. Раҳмат қора оталари  
билан тенгдош эди.

– Жангилим, бу дунёда қила-  
диган ишим қолмади.

– Мен-чи, мен, мени ёлғиз  
ташлаб кетишга қандай кўзин-

гиз қияди? – кампир кўз ёшларини  
узун энгига артди.

– Булар сени ёлғизлатиб қўй-  
майди, – деди чол ўғилларига ишо-  
ра қилиб. – Жангилжон, мунглигим,  
хушим ўзимда эканида рози-ризо-  
лик сўрамоқчиман... Мендан рози  
бўл...

– Жоним акам... суянган тоғим,  
мингдан-минг розиман, – кампир  
кўз ёши билан акасининг қордек  
соқолларидан ўпди.

– Жангилжон, қўрқяпман...

– Акажон, ёнингиздаман...

– Жангилжон, сўроқ-саволларда  
тилим тутилиб қолмасмикан?

– Акажон, мен дуоғўйингизман,  
дуоларим тилингизни бийрон қи-  
лади.

– Жангилжон, Аллоҳ ҳузурда  
гуноҳларим туфайли уялиб қол-  
сам-а?

– Мен борман-ку, гуноҳларин-  
гизни тилаб оламан... У мендек  
нотавон кексанинг дуоларини рад  
этмас...

Бир-бирининг қўлини тутиб,  
кўз ёшлар билан бир-бирига  
термилган қўйи рози-ризолик ти-  
лаётган кекса ака-сингил етмиш  
билан қирқ ёш ўртасида бўлган  
беш эркакнинг боладек жавди-  
раб, ўқириб юборишдан ўзларини  
зўрға тийиб, уларни кузатаётган-  
ларини сезмасдилар.

Жангил момо акаси оламдан  
ўтганидан кейин ҳам бу ерга  
тез-тез келиб турарди. Акаси  
ётган жойларни силаб-сийпалаб,  
ёстиқларига суяниб бир муддат  
ўз-ўзи билан бўлиб, чиқиб ке-  
тарди. Орада кампир хасталаниб  
қолди. Бир ойлар чамаси ётди.  
Бир саҳар акасини туш кўрди.  
Бир уюм тупроқ бошида ҳайрон  
ўтирган эмиш. Уни кўриб севиниб  
кетибди: «Кел, мен янги уй қуря-  
пман», дебди. «Авалги уйингиз  
ҳам яхши эди-ку?!» деб акасига  
қараса, унинг ўрнида кичик жия-  
ни турганмиш. Кампир уйғониб,  
туши таъбирини нимага йўйишни  
билмай, бироз ўйланиб ётди. Сўнг  
бир қарорга келиб, ўрнидан тур-  
ди. Ҳали заифлигига қарамасдан  
ювиниб-тараниб, намозини ўқиди.  
Сўнг бир пиёла илиб қолган чой-  
ни ичди-да, акасининг ҳовлисига  
қараб кетди.

Ҳовлилар ораси яқин бўлса ҳам  
етиб келгунича кун ёйилиб кетди.  
Заифлашиб қолганини ҳис қилди.  
Қия очик дарвозадан ичкари ки-  
рар экан, қаршисидаги манзарани  
кўриб, турган жойида қотди. Уй...

акаси қурган уй, қадрдон уй ўрни-  
да бир уюм тупроқ турарди.

Қаердандир жияни югуриб  
келди. Оғзи қулоғида. Аммасининг  
бир уюм тупроққа қадалган даҳ-  
шат тўла нигоҳларини кўрди-ю,  
секин ортига тисланди. Кампир  
тебранаётгандек тупроқ уюмига  
қараб одимлади. Яримта-юримта  
тахланган ғиштлар устига ўтирди  
ва йиғлаб айтди бошлаб қолди:

– Кўрган кунларинг бекликми-  
ди, шохликмиди Жангилай,

Бу кунни кўргунча ўлганинг  
яхшийдими Жангилай.

Умид билан қурган уйларинг-а,  
оғам-ейи,

Тупроқ билан бир бўлди,  
во-ейий...

Ҳовлига тумонат йиғилди. Ке-  
лин-кепчик шошиб қолди. Ака-  
укалар етиб келди. Кампирнинг  
айтимидан юрак-бағирлари ўр-  
таниб, бир сўз деёлмай туриб  
қолдилар. Айниқса, «ўтирган  
ўринларингни йўқ қилди севган-  
ларинг, оғам-а...» деганида катта  
ўғил ўқириб юборди-да, аммасини  
кучоқлади.

Кампир тебрана-тебрана яна  
узок айтди айтди. Ҳолдан тойиб  
қолди. Ўрнидан турганида шу  
пайтга қадар билганлари ўктам  
аммадан асар қолмаган, унинг ўр-  
нида букчайиб, энгил шамол ҳам  
чайқатиб юборадиган ожиз кампир  
бор эди...

– Аммажон, уй жуда эски эди-  
да, – деди ота уйида қолган жиян  
айбдорона оҳангда, йиғламоқдан  
бери бўлиб. – Сизга бунчалик таъ-  
сир қилишини билганимда бу ишга  
қўл урмас эдим. Мени кечиринг,  
аммажон...

Амма бир сўз демай ортига  
ўгирилди ва бир-бир босиб, дунё  
ғамини елкалаган каби букчайиб  
уйи томон йўлга тушди. У узоклаган  
сари оппоқ кенг кўйлаги, рўмоли оқ  
байроқ каби ҳилпирарди.

– Сабр қилсанг ёки огоҳлантир-  
санг бўларди-ку?! – деди катта ака  
аламини укасидан олмоқчидек.

– Қаердан билибман, бунақа  
бўлишини.

– Энди нима қиламиз? – сўради  
ўртанчаси.

– Отам ҳозир оламдан ўтгандек  
юрагим ёняпти, – деди ундан ке-  
йингиси.

– Аммам менга ҳатто қайрилиб  
ҳам қарамади, – деди иккинчиси  
боладек ўксиниб.

Ҳаммалари аммаларининг орқа-  
сидан йўлга тушдилар. Худди бо-

лаликлариди бўлганидек ортидан  
эргашдилар. Уйи дарвозасидан  
кираётганида амма ортига ўги-  
рилди ва ўпкаланиб дарвоза та-  
вақасини уларнинг юзига ёпди.  
Бу дарвоза беш эркакнинг ҳаётида  
иккинчи марта ёпилиши эди. Илк  
марта аммалари келин бўлиб  
тушганида «бу ерда қолмайсиз,  
биз билан кетасиз», деб хархаша  
қилиб йиғлаганларида хонадон  
соҳибаси уларни алдаб-авраб  
кўчага олиб чиқиб, дарвозанинг  
ташқарисиди қолдирган эди.  
Ариллаб йиғлаб-сиқтаб ортга қай-  
тандилар. Ушанда ота-оналари  
уларни кула-кула овулган, амма-  
лари ҳеч қачон уларни ташлаб  
кетмаслигини, тез-тез келиб ту-  
ришини тушунтиришган эди.

Беш ака-укани яна дарвозадан  
ташқариди қолдирдилар. Айнан  
севикли аммалари уларнинг юзи-  
га дарвозани ёпди. Улар энди  
бола эмас, сочларига оқ ора-  
лаган, қуда-андалди, набирали,  
кап-катта кишилар эди. Шу сабаб  
ёпиқ дарвоза қалбларини оғрит-  
ди. Орқага қайтишга кучлари  
йўқ, олдиндаги эшик эса ёпиқ...  
Каттаси чидолмади, дарвозага  
қўлларини қўйди-да, гўдакдек  
ялинчоқ овозда «аммажо-он,  
бизни кечиринг», деди. Унга ука-  
лари кўшилди. Уларнинг овозига  
қўни-қўшни ҳайрон бош чиқариб  
қарай бошлади. Айримлари ҳатто  
уларнинг ёнига қўшилди. Эрка-  
кларнинг бутун диққати ёпиқ дар-  
возага қадалган эди. Чунки унинг  
ортида оталарининг Жангили,  
жаннат бўйли Жангил синглиси,  
акасининг ўтирган ўрни йўқолган-  
нидан юраги тилка-пора бўлган  
мунглиғи бор эди, оталарининг  
омонати улардан хафа эди...

– Аммажо-оон, – деди энг  
кичик жиян астойдил йиғлаб,  
– илтимос, мени кечиринг, ўша  
уйни худди отам қургандек қи-  
либ бошқатдан кўтараман, айнан  
ўзидек бўлади, фақат сиз кечир-  
сангиз бўлди. Амма...

Шу пайт дарвоза секинлик  
билан очилди. Эркаклар кам-  
пирни кўриб севиниб кетдилар,  
аммо яқинлашишга ҳаддилари  
сиғмади.

– Беақллар, – деди Жангил  
момо ва қоқсуяк қўлларини икки  
томонга ёйди. Бешовлон барава-  
рига унинг кучоғига интилдилар.

## # Sport

Kecha poytaxtimizdagi "Humo" sport majmuasida dzyudo bo'yicha 35-jahon chempionati bahslari boshlandi. Dunyoning 80 dan ortiq davlati sportchilari qatnashayotgan bellashuvlarda Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) yetakchi polvonlari ham yurtimiz terma jamoasi tarkibida tatamiga chiqib, Vatanimiz sport sharafini himoya qilishga kirishdi.



Xalqaro dzyudo federatsiyasi (IJF) ma'lumotiga ko'ra, mamlakatimizda ilk bor tashkil etilayotgan mazkur jahon chempionatida 88 ta davlatning 600 nafarga yaqin sportchilari Toshkent tatamilarida kechadigan bahslarda qatnashish talabnomalarini taqdim etgan. Biroq Xalqaro dzyudo federatsiyasi ijroiya qo'mitasi 2023-yil yanvarigacha Rossiya va Belarus sportchilarining dzyudo bo'yicha o'tkaziladigan xalqaro musobaqalarda ishtirok etishini taqiqlagani bois ushbu mamlakat sportchilari 13-oktabrgacha poytaxtimizda davom etadigan jahon chempionatida qatnashishdan mosuvo bo'lishdi.

Mamlakatimizga birinchi bo'lib Xalqaro dzyudo federatsiyasi menejeri Liza Allan hamda tashkiliy jarayonga mas'ul bo'lgan vakillar yetib kelishdi. Mutasaddilar dunyo birinchiligiga tayyorgarlik jarayonlari bilan tanishish, ko'zdan kechirish barobarida amalga oshirilgan ishlarga yuqori baho berishdi, o'z navbatida, mas'ullarga qisqa fursat ichida mavjud ayrim kamchiliklarni bartaraf etish, mehmonlar uchun barcha qulayliklarni yaratish bo'yicha kerakli topshiriqlar berildi. Mas'uliyatli musobaqani yuqori saviyada o'tkazish uchun barcha xodimlardan bor kuchlarini safarbar qilishlarini so'rab qolishdi. Jahon chempionatining faxriy mehmonlaridan biri, Yaponiya Milliy Olimpiya qo'mitasi rahbari hamda kunchiqar yurt dzyudo federatsiyasi prezidenti janob Yasuxiro Yamashita ham mamlakatimizda ilk bor o'tkaziladigan dzyudo bo'yicha jahon chempionatiga tayyorgarlik yuzasidan olib borilgan ishlarni yuqori baholadi. Yamashita dastavval O'zbekiston Milliy Olimpiya qo'mitasi faoliyati bilan yaqindan tanishdi. Shundan so'ng tomonlar o'zaro hamkorlik aloqalarini rivojlantirish

# YURTIMIZDA ILK BOR DZYUDO BO'YICHA JAHON CHEMPIONATI

mavzusida uchrashuv o'tkazishdi. Unda o'zbek va yapon sportidagi do'stona aloqalarini yanada mustahkamlash, yirik musobaqalar, xususan, Osiyo va Olimpiya o'yinlari, jahon chempionatlariga tayyorgarlik doirasida har ikki mamlakat terma jamoalari ishtirokida o'quv-mashg'ulot yig'inlarini tashkil qilish, sport tibbiyoti yo'nalishida so'nggi yutuqlarni ulashish kabi mavzularda fikr almashildi. U uchrashuvda muhokama qilingan mavzular bo'yicha hamkorlikdan mamnun ekanini bildirdi. O'z navbatida, o'zbek dzyudochilari haqida iliq fikrlarini bildirib, sportchilarimizga bo'lajak musobaqada omad tiladi. Tashrif davomida janob Yamashita MOQ qoshidagi Respublika sport tibbiyot ilmiy-amaliy markazining faoliyati bilan ham tanishdi.

Dzyudo bo'yicha jahon chempionati oldidan mamlakatimizga tashrif buyurgan bir qator mamlakat delegatsiyasi vakillari, sportchilar va murabbiylar bilan uchrashuvlar, turli matbuot anjumanlari o'tkazildi. Murabbiy va sportchilarning fikr-mulohazalari tinglandi. Ular tomonidan asosan musobaqaning mas'uliyati haqida

ko'proq fikr bildirildi. Dzyudo bo'yicha 35-jahon chempionati "Parij-2024" yozgi Olimpiya o'yinlariga reyting ochkolarini taqdim etishi bilan ahamiyatli ekanligi ta'kidlanib, har bir vazndagi kurashlarda munosib ishtirok etish muhimligi qayd etildi. Muloqotlar davomida mutasaddilar O'zbekistonda ilk bor o'tayotgan ushbu nufuzli musobaqani bevosita yoritish uchun 100 dan ziyod xorijiy ommaviy axborot vositalari ro'yxatdan o'tganligi, Toshkent tatamilaridagi bahslar dunyoning 120 dan ortiq davlatida translyatsiya qilinishi bejizga emasligini ta'kidlashdi.

Yurtimiz dzyudo muxlislarini birinchi navbatda mazkur jahon chempionatida O'zbekiston terma jamoasi qanday tarkibda qatnashishi ko'proq qiziqtiradi, albatta. Bu borada, o'quv-mashg'ulotlar maydonida va maydon tashqarisida ham qizg'in bahs-munozaralar, muhokamalar bordi. O'zbekiston terma jamoasi murabbiylar kengashi hamda shifokorlar sportchilarning holatidan kelib chiqqan holda yakuniy ro'yxatni e'lon qilishdi. Bu borada terma jamoaga jalb

qilingan Ilias Iliadis, Marko Shpitka kabi xorijiy mutaxassislar astoydil ish olib borgan matbuot anjumanida bildirildi. Pekin, London va Rio Olimpiadalarning bronza medali sohibi, ikki karra (2010-va 2011-yillarda) jahon chempioni, 2011-yili Xalqaro dzyudo federatsiyasi (IJF) tomonidan "Zamonamizning eng kuchli dzyudo ustasi" deb e'tirof etilgan "O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan sportchi", "O'zbekiston iftixori" faxriy unvonlari sohibi mayor Rishod Sobirov o'z uyimizda o'tadigan bunday musobaqa dzyudochilarga ruhan dalda berishini, bugungi kunda yurtimizda sportga har qachongidan ham katta e'tibor qaratilayotganini aytib o'tdi.

Poytaxtimizdagi "Humo" majmuasidagi bahslarda umumiy hisobda 18 nafar dzyudochimiz o'z vaznlarida medallar uchun kurash olib borishadi. Ular safidan Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakillari Davlat Bobonov, Diyora Keldiyorova, Shukurjon Aminova, Gulnoza Matniyazova, Irisxon Qurbonboyeva ham o'r in olgan.

## TO'LIQ TARKIB QUIYIDAGICHA

### ERKAKLAR:

**-60 kg:** Dilshodbek Baratov  
**-66 kg:** Sardor Nurillayev  
**-73 kg:** Shahram Ahadov  
**-73 kg:** Murodjon Yo'ldoshev  
**-81 kg:** Sharofiddin Boltaboyev  
**-90 kg:** Davlat Bobonov (MVSM)  
**-100 kg:** Muzaffarbek To'raboyev  
**+100 kg:** Shohruh Baxtiyorov  
**+100 kg:** Alisher Yusupov

### AYOLLAR:

**-48 kg:** Halima Qurbonova  
**-52 kg:** Diyora Keldiyorova (MVSM)  
**-52 kg:** Sita Kadambayeva  
**-57 kg:** Nilufar Yermaganbetova  
**-57 kg:** Shukurjon Aminova (MVSM)  
**-63 kg:** Sevinch Isoqova  
**-70 kg:** Gulnoza Matniyazova (MVSM)  
**-70 kg:** Shohista Nazarova  
**-78 kg:** Irisxon Qurbonboyeva (MVSM)

### ARALASH TERMA JAMOA:

**-57 kg:** Shukurjon Aminova, Diyora Keldiyorova  
**-70 kg:** Gulnoza Matniyazova, Shohista Nazarova  
**+70 kg:** Irisxon Qurbonboyeva, Mohinur Parmonova  
**-73 kg:** Obidxon Nomonov, Shahram Ahadov  
**-90 kg:** Davlat Bobonov, Sharofiddin Boltaboyev  
**+90 kg:** Shohruh Baxtiyorov, Bekmurod Oltiboyev



Joriy yilning avgust oyida Turkiyaning Konya shahri mezbonlik qilgan V Islom birdamlik o'yinlarida munosib tarzda qatnashgan dzyudo bo'yicha O'zbekiston terma jamoasi jami 13 ta (6 ta oltin, 2 ta kumush va 5 ta bronza) medal bilan 50 dan ortiq davlat orasida umumjamoa hisobida 1-o'rinni egallagan edi. "Konya - 2021" qahramonlari jahon chempionati oldidan yurtimiz dzyudo federatsiyasi tomonidan yana bir bor e'tirof etildi. Federatsiya nafaqat sportchilar, balki ularni bahslarga har tomonlama yuqori darajada tayyorlagan murabbiy va shifokorlarni ham munosib taqdirledi.

Dzyudo bo'yicha 35-jahon chempionati bellashuvlarining borishi bilan gazetamizning kelgusi sonlarida batafsil tanishishingiz mumkin.

# Suhbat

# «ХАЁТГА МЕРГАН КЎЗИ БИЛАН ҚАРАШ КЕРАК!»



Сухбатдошимиз Термиз давлат университети Хорижий филология факультетининг 3-восқичида таҳсил олаётган Нигина Саидқулова. У 2002 йилда Термиз шаҳрида туғилган. 2021 йил Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида пневматик қуролдан ўқ отиш бўйича Осиё чемпиони бўлди. Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сурхондарё вилояти кенгаши пневматик қуролдан ўқ отиш секцияси аъзоси.

**– УШБУ СПОРТ ТУРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИНГИЗГА КИМ ЁКИ ҚАНДАЙ ОМИЛ ТУРТКИ БЎЛГАН? НЕГА АЙНАН ПНЕВМАТИК ҚУРОЛДАН ЎҚ ОТИШ ТУРИНИ ТАНЛАГАНСИЗ?**

– Мактабда ўқиб юрган давримда ушбу спорт тури бўйича тўғараклар борлигидан рости, беҳабар эдим. 9-синф ўқувчиси эканлигим эсимда. Мактабимизга «Ватанпарвар» ташкилотидан мутахассислар келиб, «Ўқ отиш тури бўйича тўғарак бор, қатнашинглар!» деб эълон қилишганди. Ушбу янгиликдан хабар топгач, уйдагилар билан маслаҳат қилиб кўрдим. Эртаси куни онам билан тўғарак бўладиган ерга бориб, шароит билан танишдик ва ушбу спорт турига қизиқиб қолдим. Тез орада машғулотларга қатнай бошладим. Негадир ушбу спорт тури мен учун экан, деган фикр бот-бот миямдан ўтаверди. Устозларимнинг назоратида илк бор тўппончадан ўқ узиб, қобилиятимни синаб кўрдим.

**– АСОСИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИДА ЎТКАЗГАН ЭКАНСИЗ, БУ ЕРДАГИ ШАРТ-ШАРОИТ СИЗНИ ҚАНОАТЛАНТИРАДИМИ?**

– Яхши шароит яратилганки, шу даражада ютуқларга эришиб келмоқдамиз. Натижага эришиш

учун нафақат шароит, энг аввало, моҳир, тажрибали устозларнинг ҳам меҳнатларига улкан зарурат бор. «Ватанпарвар» ташкилотидан беҳад миннатдорман. Ўз вақтида бизни машғулотларга даъват қилган, шуғулланишимиз учун шароит яратиб берган раҳбариятга ташаккур дейман.

Илк устозим – Равшан Самадов дастлабки машғулотлардан оталарча ғамхўрлик билан мерганлик сирларини астойдил ўргатди. Бу спорт турида шуниси муҳимки, бунда жисмоний кучга эмас, билъақ ақл ва тажрибага таянилади. Бу соҳада етук спортчи бўлиш учун кўп машғулот олиб боришдан ташқари, спортчини маънавий ҳамда психологик жиҳатдан тайёрлаш муҳим. Қийин дамларда устозим ҳар тарафлама кўллаб-қувватлагани менга кўшимча куч ва ўзимга нисбатан ишонч пайдо қилади. Уринишларим бесамар кетаверганидан, мўлжални олишга қийналган кунларимда спортни тарк этмоқчи ҳам бўлганман. Машғулотларда яхши натижа кўрсатганим билан баъзида мусобақаларда кўплаб хатоларга йўл қўйган чоғларда тушкунликка тушиб қолганман. Ҳатто баъзида йиғлаганман. Шундай кезларда фақатгина устозимнинг далдаси билан машғулотларни давом эттирганман. Илк устозим ҳатто ҳозиргача мусобақаларда йўл қўйган хатоларимни таҳлил қилиб, телефон орқали бўлса ҳам маслаҳат бериб турадилар.



**– МАМЛАКАТИМИЗ ҲАМДА ХАЛҚАРО МИКЁСДА ҚАНДАЙ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШГАНСИЗ?**

– Аслида 2014 йил мактабда ўқувчилик давримдан туман ҳамда вилоят миқёсидаги шахмат ва фан олимпиадаларида иштирок эта бошлаганман. Кейинчалик ушбу спорт билан жиддий шуғулланишга киришдим. 2018 йили Бухоро вилоятида бўлиб ўтган пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон кубогида 1-ўрин, 2019 йил Андижон шаҳридаги Ўзбекистон кубоги 3-босқич мусобақасида 3-ўрин, 2021 йил 10-20 сентябрь кунлари Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида бўлган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида фахрли биринчи ўринни эгалладим.

**– ҚИЗ БОЛА УЧУН УШБУ СПОРТ ТУРИ ҚИЙИНЧИЛИК ТУҒДИРМАЙДИМИ?**

– Ҳар қандай спорт тури инсондан қатъият, ирода ва масъулият талаб қилади. Ҳеч бир спорт турини осон, деб ўйламайман. Асосий саволга келсак, агар инсоннинг ўзида азму шижоат бўлса, қийинчиликни енгиш мумкин. Тўмарис каби тарихий ҳамда халқ достонларида мадҳ этилган Ойбарчин сингари қаҳрамонларни бир эсланг. Шу юртда яшаётган ҳар бир инсон, у ким бўлишидан қатъи назар, қайсидир жиҳатдан шу Ватанга керакли эканлигини, унинг равнақи учун ўзида дахлдорлик ҳиссини туймоғи керак.

Кўплаб тарихий ва бадиий асарларни мутолаа қилиб тураман. Мусобақа ҳамда машғулотларда қийналган чоғларимда шу йўлни танладингми, энди охиригача боришинг керак, деб ўзимга ўзим далда бераман. Бу дунёда қийинчиликсиз ҳеч бир натижага эришиб бўл-

маслигини дил-дилдан ҳис қилиб тураман. Шу сабабми, бир ишнинг бошини тутсам, албатта, охирига етказишга ҳаракат қиламан. Ахир ҳаётнинг ўзи ҳам мерганликка ўхшайди. Агар борди-ю, аввалбошдан мўлжални тўғри олмасангиз, аро йўлда қолиб кетишингиз ҳеч гап эмас. Шу боис ҳаётга мерган кўзи билан қараш керак, деб ўйлайман. Акс ҳолда кўзланган натижага эришиб бўлмайди.

**– ПНЕВМАТИК ҚУРОЛДАН ЎҚ ОТИШ СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШИМИЗ КЕРАК?**

– Аввало, ушбу спорт турини ривожлантиришда ўзларининг бе-миннат ҳиссасини қўшаётган «Ватанпарвар» ташкилотини эътироф этиш ўринли. Иложи бўлса, ушбу ташкилот негизда имкониятларни янада кенгайтириб, кўпроқ истеъдодли ёшларни тўғаракларга жалб қилиш керак. Мактабларда тўғараклар ташкил қилиш керак. Ана шундагина юртимиздан кўплаб жаҳон ва олимпиада чемпионлари етишиб чиқади. Агар ушбу спорт тури билан энди шуғулланишни бошлаётган ёшлар бўлса, аввало ўз олдиларига улкан мақсад қўйишлари керак. Акс ҳолда ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди.

**– КЕЛГУСИ РЕЖАЛАРИНГИЗ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА...**

– Ҳар бир спортчи сингари менин ҳам орзуим жаҳон ва олимпиада мусобақаларида иштирок этиб, Ватанимизнинг байроғини юксакларга кўтариш. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси сифатида алоҳида машғулотлар олиб боряпмиз. Насиб қилса, албатта, келгусида юксак марраларни забт этамиз.

«Сурхон тонги» газетасининг муҳбири  
Холмуҳаммад ТОҒАЙМУРОДОВ суҳбатлашди.

# Ko`nikma

## ЎҚУВЧИЛАР ТАКТИК

Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасининг инновацион ўқув марказида Нурафшон шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари иштирокида кўргазмали ўқув-амалий машғулотли ўтказилди.

Икки босқичдан иборат машғулотларда ўқувчилар даставвал планшетлар билан жиҳозланган хонада «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» дастури бўйича назорат иши топширдилар.

Кейинги босқичда эса ҳаёт фаолияти хавфсизлиги соҳасидаги билим ва кўникмаларини намоиш этдилар. Бунда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар (зилзила, ёнғин) вақтида ҳамда аҳоли гавжум жойларда юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларда

## МАШҒУЛОТЛАРДА

жароҳатланганларни қутқариш, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳаракатлари амалда ба-жарилди.

Машғулотлар сўнггида ўқувчилар тест синови топширди. Фаол ўқувчилар эсдалик совғалар билан

тақдирланди. Ўқув машғулотларининг юқори савияда ўтказилишида ҳисса қўшган чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқув-тувчилари, Нурафшон шаҳри ўқув спорт-техника клуби ходимлари алоҳида эътироф этилди.

Катта лейтенант Ислоҳ ДАМИНОВ,  
Нурафшон шаҳри «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» ўқув маркази бошлиғи

## УНИФИКАЦИЯЛАНГАН



## ШАССИ АСОСИДА

«Женерал дайнэмикс» (АҚШ) компаниясининг Британия бўлинмаси мутахассислари томонидан яратилган «Арес» типдаги гусеничали зирхли транспортёр ягона унификацияланган шасси асосида ишлаб чиқилган бўлиб, бу шассидан шу типдаги машиналарнинг бошқа вариантларини лойиҳалаштиришда ҳам фойдаланиш мумкин. Машина корпусининг олд қисмида кучлашиш қурилмаси (Германиянинг MTU фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган, умумий қуввати 600 от кучига тенг бўлган дизель двигатели) ва «Ренк» 256В типдаги трансмиссия, ундан чап томонда механик-ҳайдовчининг ўрни жойлаштирилган, ўрта ва орқа қисмлар эса жанговар ва десант бўлимлари ёки махсус ускуналарни жойлаштириш учун ажратилган. Бортлар ва туб қисмининг модуль ҳимояси бир неча қатламли композит зирх билан кучайтирилган. «Арес»нинг шоссе бўйлаб максимал юриш тезлиги соатига 70 км атрофида. Экипаж аъзолари (уч киши) ва десантчилар (олти нафар пиёда аскар) машинанинг ички қисмидаги махсус илма ўриндиқларга жойлашади. Транспортёрнинг тўлиқ пайвандланган пўлат корпуси шахсий таркибни калибри 14,5 мм.ли ўқотар қуроллар ўқи ва артиллерия снарядлари парчаларидан ҳимоялайди. Корпуснинг том қисмига Исроилнинг «Рафаэль» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган масофадан бошқарилувчи қурол модули ўрнатилган бўлиб, унинг таркибига 12,7 мм.ли пулемёт киритилган. «Арес»нинг жанговар оғирлиги максимал комплектацияда 35 тоннани ташкил этади.

## СОВРЕМЕННЫЙ

## ЭСКАДРЕННЫЙ



## МИНОНОСЕЦ

Созданный китайскими специалистами эскадренный миноносец с управляемым ракетным оружием (ЭМ УРО) типа «Наньчан» по классификационным признакам больше соответствует кораблям класса «крейсер», о чем и заявляют американские военные специалисты, сравнивая его с крейсером типа «Тикондерога». В качестве главной энергетической установки (ГЭУ) на этом эсминце используется двухвальная комбинированная газотурбинная установка, в состав которой входят четыре газотурбинных двигателя марки QC-280. Мощность ГЭУ около 150 000 л.с., она позволяет кораблю развивать наибольшую скорость хода 30 узлов и экономическую – 20 узлов. С целью снижения радиолокационной заметности кормовая и носовая надстройки выполнены с бортами, оптимальными углами наклона, а все палубное оборудование убрано в подпалубное пространство. В кормовой надстройке расположен ангар для базирования двух противолодочных вертолетов «Чжи-20» (Z-20) и быстроходных надувных лодок с жестким корпусом «РИБ» (RHIB). Полное водоизмещение ЭМ «Наньчан» 13 000 тонн, стандартное – 11 000 тонн, длина 180 м, ширина 20 м, наибольшая осадка 9,6 м, численность экипажа 310 человек. В состав вооружения входят крылатые, зенитные управляемые, противокорабельные и противолодочные управляемые ракеты, зенитные артиллерийские и ракетные комплексы различных типов.

## НОВЫЙ АРТИЛЛЕРИЙСКИЙ



## КОМПЛЕКС

Швейцарская компания «Рейнметалл эр дефенс» представила новый самоходный зенитный артиллерийский комплекс (ЗАК) «Скайрейнджер-30», основу которого составляет опционально обитаемая башня с 30-мм автоматической пушкой. Он представляет собой облегченный вариант 35-мм ЗАК «Скайрейнджер-35» и предназначен, в первую очередь, для борьбы с малоразмерными беспилотными летательными аппаратами на поле боя. Практическая скорострельность орудия до 1 000 выстрелов в минуту, тип боеприпасов – программируемые осколочного действия (снаряд имеет 160 готовых осколков из вольфрамового сплава общей массой 200 г), боезапас 250 выстрелов. Система обнаружения воздушных целей включает радиолокационную станцию AMMRс АФАРS-диапазона с пятью неподвижными панельными антеннами на стенках башни, обеспечивающими круговой обзор. Заявленная дальность действия до 20 км. На артиллерийский комплекс установлены две оптико-электронные станции для обнаружения, сопровождения целей и управления огнем (тепловизионная и телевизионная камеры, а также два лазерных дальномера). По желанию заказчика может монтироваться РЛС обнаружения X-диапазона. Башня оснащена комплексом выстреливаемых мультиспектральных помех. Кроме того, зарезервировано место для монтажа пусковой установки в составе 2-4 зенитных управляемых ракет различного типа (с инфракрасным или лазерным наведением).

ЯНГИ  
РАЗВЕДКАЧИ-ЗАРЬДОР

## АППАРАТ

Эрон мутахассислари узок масофаларга мўлжалланган «Каман-22» типдаги разведкачи-зарьдор учувчисиз учиш аппаратини (УУА) яратдилар. Маълумотларга кўра, мазкур биринчи кенг фюзеляжли аппаратнинг учиш масофаси 3 000 км, парвоз давомийлиги эса 24 соатни ташкил этади. УУА турли оптик тизимлар, радиоэлектрон кураш тизими ҳамда юқори аниқликдаги қуроллар билан жиҳозланган. «Каман-22» турли операцияларда фойдаланиш, жумладан, патруллик, разведка вазибаларини амалга ошириш, маълумотлар тўплаш, оператив тасвирларни шакллантириш ва ҳаво жанги олиб бориш учун мўлжалланган. Мазкур аппаратнинг Интернетда жойлаштирилган дастлабки суратларида у итарувчи винтли кучланиш қурилмаси билан жиҳозлангани тасвирланган. УУА қаноти остида турли қуроллар учун мўлжалланган илгичлар, V-симон дум қаноти ва йиғилмайдиган шассига эга, тўғри қанотларнинг охириги қисми бироз юқорига қайрилган. Маълумотларга кўра, узунлиги 8,2 метр, қанот кўлаи 16,8 метр ва бўш (юксиз) ҳолатдаги оғирлиги 512 килограммни ташкил этувчи мазкур аппарат «Садид» типдаги тўртта бошқарилувчи авиабомба ва «Балабан» типдаги иккита бошқарилмайдиган авиабомба билан жиҳозланган. Бундан ташқари, УУАнинг олд томонида, фюзеляж остида оптоэлектрон станция ва маълумотларни узатиш модули ҳам жойлаштирилган.

# Sog'lom turmush tarzi

# ШАМОЛЛАШМИ

## Ё ГРИПП?



Ўлкамизда куз фасли ҳукм сурмоқда. Совуқ мавсуми кириб келиши билан аҳоли ўртасида шамоллаш касаллиги авж олади. Кўпчилик шамоллаш ва гриппни баъзан бир-бири билан адаштиради, чунки уларнинг аломатлари жуда ўхшаш. Аммо бу нотўғри. Чунки грипп бу – ўта юқумли мавсумий нафас олиш йўллари касаллиги бўлиб, одатда, декабрь ва март ойлари орасида кўпроқ кузатилади, февраль ойида энг юқори даражага кўтарилади. Бу касаллик билан оғриган беморда юқори иситма ва титроқ, кучли бош оғриғи ва мушакларнинг зўриқиши, қуруқ йўтал билан бирга кечади. Касалликнинг давомчилиги бир ҳафтадан кўпроқ давом этади.

Гриппнинг биринчи аломатларидан бири бу – кўз қизариши, умумий ҳолсизланиш. Кейинги аломати эса тана ҳароратининг 38 даражадан ошишидир.

Шамоллаш эса ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши натижасида, асосан юқори нафас йўллари (бурун, томоқ, трахея) таъсир кўрсатадиган вирусли инфекция сабабли юзага келадиган касаллик саналади. Ёдингизда тутинг! Нотўғри даволаниш ёки касалликни ўтказиб юбориш пневмония ёки бронхитга сабаб бўлиши мумкин.



Шамоллашлар асосан вирусли ёки бактериал бўлади. Вирусли шамоллаш билан оғриган беморларнинг кўпчилигида одатда тана увишиши, паст даражали иситма, томоқ оғриғи, аксиреш, бурун оқиши, кўз ёшланиши, қулоқларда оғирлашиш, қуруқ ёки ҳўл йўтал ҳамда умумий чарчоқ ҳисси кузатилади. Бу аломатлар одатда бир ҳафтадан бир неча ҳафтагача давом этиши мумкин.

Агар касаллик вақтида беморнинг иситмаси қайталанса ва нафас қисши, ҳаддан ташқари сариқ ва яшил балғам каби аломатлар бўлса, бунда шамоллашга бактериялар сабаб бўлган ва бемор зудлик билан шифокор кўригидан ўтиши лозим. Агар бактериал шамоллаш ўз вақтида даволанмаса, юрак ва тананинг бошқа аъзоларида муаммо келтириб чиқариши мумкин.

### АНТИБИОТИКЛАР РОСТДАН ФойДА БERAДИМИ?

Шамоллаганда кўпинча уй шароитида даволанишга ўрганганмиз. Лекин билиб-билмасдан беморга турли антибиотиклар буюриш ёки инъекциялар қилиш умуман нотўғри. Ҳақиқатан ҳам, антибиотиклар замонавий тиббиёт хазинаси ҳисобланади. Аммо уларни нотўғри ишлатиш бемор учун қимматга тушиши мумкин. Айниқса, шамоллаш ва гриппда. Чунки касаллик бошланишининг дастлабки кунларида организмда табиий иммунитет реакцияси пайдо бўлади, антибиотик эса ўз-ўзидан инфекцияни бошқариши мумкин бўлган ҳимоя механизмларини йўқ қилади.

### ИСИРИҚ ТУТАТМАНГ!

Кўпинча шамоллаган, гриппга чалинган беморлар бор хонада исирик тутатиш касаллик кўпайишининг олдини олиш чораси сифатида қўлланади. Лекин бугунги кунда бу усул фойда бермайди. Чунки биз истеъмол қилаётган озик-овқат ўзгарган, биз нафас олаётган ҳаво ўзгарган. Экологик омиллар таъсири, дарахларнинг камайиши сабаб ҳавода чанг миқдори ортган. Натижада инсонлар ўртасида турли аллергик касалликлар кўпаймоқда. Катталар ва ҳатто болалар орасида ҳам аллергик хасталиклар жуда кўп учрамоқда. Исирик эса бемор организмидаги аллергияни кўзғатади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда шифокорлар беморларга исирикни касалликка қарши курашиш воситалари қаторида тавсия этмаяпти.

### УЙ ШАРОИТИДА ДАВОЛАШ МУМКИНИ?

Албатта, мумкин. Бунинг учун куйидаги тавсияларимизга амал қилсангиз кифоя.

Энг аввало, дам олишга алоҳида эътибор беринг. Ёзда шамоллаш қиш кезларидан ҳам оғир кечади. Ёз хастаси қиш хастасидан ёмон, дейди халқимиз. Шамоллаган киши биринчи навбатда ҳамма ишни суриб қўйиб дам олиши, ётиши керак. Шунда организм бутун кучини тузалишга сарфлайди.

Куни билан С витаминига бой маҳсулотлардан истеъмол қилиб юринг. Лимонли ва малинали чой, клюква шарбати, наъматак дамламасини кунига камида 3 литрдан ичсангиз, мақсадга мувофиқ бўлади.

Намакоб сув бурун оқишини тўхтатади. Шунинг учун кунига камида 5 марта бурнингизни намакоб сув билан чайинг.

Бурун битиб қолаётган бўлса, ялпиз, райҳонга бой сўргич конфектларни сўриб юринг. Ёки ялпиз, райҳон, саримсоқ, пиёз ёки эвкалипт мойини ҳидлаш ҳам яхши таъсир кўрсатади.

Оёқларингизни кунига камида 3 марта иссиқ ваннада ушлаб ўтириш ҳам шифо бўлади. Сув тери куймайдиган даражада иссиқ бўлиши керак. Тоғорадаги сув совиған сари иссиқ сувдан оз-оз қўшиб туринг. Терлагунча ўтиришингиз керак. Имконият бўлса, нафақат оёқлар, балки бутун баданни парли ваннада ушлаб турсангиз, яхши натижа беради. Бироқ ҳомиладор аёлларга ва айрим беморлар учун ушбу муолажа ман этилади.

Мева ва сабзавотларни кўп истеъмол қилиш керак. Чунки улар дармондориларга, яъни витаминларга мўл. Сабаботли қайнатма шўрвалар ҳам фойдалидир. Шўрвани аччиқ мурч билан ичиб, иссиқ ўраниб, дам олсангиз, баданингиз анча яйраганини сезасиз, увишиб турган вужудингиз тетиклашади. Ёғли, қоврилган ҳамда хамирли овқатлар, ширин пишириқлар даволанишни чўзиб юбориши мумкин. Оз-оз, тез-тез суяқ овқатлар истеъмол қилишингиз мақсадга мувофиқ.

Думба ёғининг ҳиди ёқимсиз бўлгани билан ўзи кони фойда. Бунинг учун эритилган думба ёғини товонингизга ишқалаб суртинг. Массаж қилсангиз ҳам бўлади. Шунда бадандаги шамоллаш аломатлари йўқолади. Мабодо, юракқон томир касалликлари мавжуд бўлса, бу муолажа оғирлик қилиши мумкин. Бу борада шифокор билан маслаҳатлашинг.

Унутманг, деярли барча касалликлар инсоннинг психологик ҳолати билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, инсон қанчалик ўзини руҳан тетик ҳис қилса, жисмоний саломатлиги шунчалик мустаҳкам бўлади. Демак, шамоллаганда фақат яхшиликни ўйлаб, ҳуз кайфиятда бўлиш лозим. Ўзингиз ёқтирган машғулоти танланг: китоб ўқийсизми, телевизор томоша қиласизми ёки мусиқа тинглайсизми, бу сизнинг хоҳишингизга боғлиқ.

**Г. ҲОЖИМУРОВА**  
тайёрлади.



# FARZAND TARBIYASI

(Psixolog maslahati)

AYOLLAR BEKATI

✓ Qiz farzand xotirjam, oilada o'zini erkin his qiladi.

✓ O'g'il bolalar mehnatda yanada chiniqadi.

✓ Qiz bolani himoya ostida katta qilish muhim. Ularni kichkina malikalardek parvarishlash, qilgan ishi uchun emas qiz bo'lib tug'ilgani uchun maqtash kerak.

✓ O'g'il farzand esa natijaga javob beradi. Ya'ni bola aqlini tanishi bilan uning mardligi, jasurligi, polvonligini ta'kidlab, biron bir yumush, qo'lidan keladigan darajada vazifa berib, shu ishni bajargani uchun ko'klarga ko'tarib maqtash kerak.

✓ Qiz bolaning bu dunyoga kelgani o'zi baxtligi, uning o'zi sevgi ekanligini aytib maqtash kerak. Chunki agar qiz bolani qilgan ishi uchun maqtab o'rgatib qo'ysak, kelajakda ularda: "Agar biron bir yumush bilan o'zimni ko'rsatsamgina meni yaxshi ko'radilar. Bo'lmasa meni qabul qilishmaydi, ularning sevgisiga arzimayman", degan o'y-xayol ong ostiga o'rnashib qoladi. Bu esa turmush qurgan qizlarimizning xayotlarida qiyinchiliklarga sabab bo'lishi mumkin.

✓ O'g'il bolalarni albatta, yoshlik paytidan sport bilan chiniqtirgan afzal. Chunki ularni shu yo'l bilan chiniqtirish, kuchligini sezishi uchun g'alabaga erishishni o'rganishi o'ziga bo'lgan ishonchini oshiradi.

✓ Qiz bolalarda sal boshqacharoq, sport bilan shug'ullangani yaxshi faqat shu sport turidan zavq olsa, maza qilib huzurlansa bu boshqa gap. G'alabaga erishish uchun qilingan harakat ko'proq o'g'il bolalarga xos. Qiz bolalarda mashg'ulotlarda shug'ullanish qiyin ishlarni bajarish jarayonida og'riqqa, mashaqqatga o'rganib qolish natijasida ularda kuchli sabr shakllanadi. Bu sifatlar esa erkaklarga xos. Har bir vaziyatga chidash, azoblanish, shu vaziyatning o'zgarishini kutish... oxir-oqibat hamma yukni o'z bo'yniga olishi ham ayollarda shu yerdan boshlanadi. Bu yerda gap qiz farzandlarimizni ortiqcha og'irlik qiladigan holatlardan asrab-avaylash haqida.

✓ Har bir farzand mehrdan yaralgan. Ular yaratgan tomonidan berilgan tuhfadir. Shunday ekan ularning taqdiriga befarq bo'lmaylik. O'zgarishni avvalo, o'zimizdan boshlaylik. Shunda o'zingiz ham, yoningizdagi insonlar ham baxtli bo'ladilar.

Go'zallik uchun  
15 daqiga



• Har qanday amalni, jumladan, yuz parvarishini ham, parhezni ham muntazam olib borsagina ijobiy natijaga erishiladi. Bunda suv ichishni aslo kanda qilmang. Kun davomida 2-3 litr suyuqlik iching.



• Qomatingizni saqlash uchun haftada bir kun yoki oyiga uch kun faqat mevalar bilan oziqlaning. Shu kuni ko'p miqdorda, ya'ni 2-3 litr meva yoki sabzavotlar sharbatidan ichish kerak. Sharbatga teng miqdorda mineral suv qo'shish maqsadga muvofiq.



• Organizmda fosfor yetishmasa, modda almashinuvi buziladi. Natijada odam semirib ketishi, o'zini holsiz sezishi mumkin. Semirmay desangiz, organizmingizda fosforning yetarli miqdorda bo'lishiga e'tibor bering. Fosfor yong'oqda ko'p bo'ladi. Shunday ekan, kundalik ovqatlanishingizga albatta, yong'oqni qo'shing.



# «КАЛЛАНИ ИШЛАТИШ КЕРАК»

## ТИЛИДАН ТУТИЛДИ

Марғилондаги атлас тўқувчи артеллардан бирининг раҳбари димоғдорлиги, такаббурлиги, қўполлиги билан ҳаммани безор қилганди. Артель ишчилари бу раҳбар устидан ижрокўмга шикоят ёзишади. Шикоятни текшириб келиш Юсуфжон ака бошчилигидаги уч-тўрт нафар ишчиларга топширилади. Улар артелга бориб, раҳбар билан салом-алиқдан сўнг мақсадни баён қилишади:

– Ишчилар устингиздан юқори га шикоят йўллашибди. Оғзингиз шалоқ экан, одамларни аёвсиз сўкар экансиз.

– Ҳаммаси тухмат! – дейди раҳбар тутайди. – Шикоятни қайси абаҳ, хотинталоқ ёздикин?

Юсуфжон қизиқ ёнидаги ишчиларга қараб шундай дейди:

– Масала ҳал! Тилидан тутилди, бошқа исботнинг кераги йўқ!

## ХАВФЛИ ЎПИШ

– Неварам мушукни жудаям яхши кўради, – дейди бир куни Охунжон қизиқ Юсуфжон қизиққа, – қачон қарасам ўзи билан олиб юради, кечасиям бирга ётади, яна ўпгани ўпган. Кеча радиодан эшитиб қолдим, уй ҳайвонларини ўпиш хавфли экан, оқибати ёмон бўларкан, ҳайронман нима қилсам экан?

– Сен ўзинг мушукни ўпиб юрма, – дея маслаҳат беради Юсуфжон қизиқ, – мушук ўлиб қолиши мумкин.

## ИХТИРОЧИ КИМ?

Отaxonлар чойхонадаги радиокарнайидан янгиликлар, дилтортар куй-қўшиқларни мириқиб тинглаб ўтиришар эди. Ногоҳ Охунжон қизиқ радиокарнайга қараб ёнидаги чойхўрлардан сўраб қолди:

– Қизиқ, мана шу гапирадиган аппаратни ким ихтиро қилган экан?

– Менимча, Эдисон деган америкалик олим ихтиро қилган бўлса керак, – деди кимдир.

– Э йўқ, билмас экансизлар, – деди Юсуфжон қизиқ эътироз билдириб. – Биринчи гапирувчи аппаратни Оллоҳнинг ўзи яратган ва уни «хотин» деб атаган. Фақат тепадаги мана бу аппаратнинг хотиндан битта афзал томони бор.

– Хўш, қандай афзаллиги бор экан, уста? – деб сўрайди Охунжон қизиқ.

– Бу аппаратни истаган вақтингда қулоғини бураб, ўчириб қўйишинг мумкин.

## АЁЛЛАР ЭНЕРГИЯСИ

Меҳмондорчиликда Юсуфжон қизиқ ёш олим йигит билан тани-

шиб қолади. Гап орасида ундан қайси соҳада мутахассис эканини сўрайди.

– Мен физик олимман, – деб жавоб қилади йигит.

– Физиканинг қайси тармоғи бўйича шуғулланасиз?

– Қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш билан шуғулланаман.

– Жуда яхши, айти муддао, – дейди қизиқ. – Сизга яхши бир таклиф бор.

– Хўш, хўш? – ёш олим қизиқ-синади.

– Маҳалламизда қирқ кечаю қирқ кун гапирса ҳам сира чарчамайдиган аёллар бор. Ана ўшаларнинг гапларини электр энергиясига айлантирсангиз, бутун Марғилон шаҳрини ёрита олардингиз.

## СОҚОВНИ ЮТГАНМИШ

Шаҳрихон шаҳри истироҳат боғида соқовлар клуби бўлар, унга фақат соқовлар кириб шахмат, шашка ўйнар экан. Бир куни Миршоҳид Мирқолинов ҳам ҳалиги клубга кириб, ўзини соқовга солиб, бир соқов йигит билан имлашиб шахмат ўйнабди. Соқов йигит уста шахматчи экан, артистни кетма-кет уч марта ютибди.

Ўйиндан кейин Миршоҳид ака клубдан чиқиб, чойхонада бир ўзи чой ичиб ўтирса, ҳалиги шахматчи соқов йигит ҳам кириб келиб, чойхўрлар ёнига ўтирибди ва ёнидаги йигитларга Миршоҳид акани кўрсатиб, шундай дермиш:

– Ҳозиргина манави қоравой соқов билан шахмат ўйнаб, уч марта бошлаб эзиб ташладим!

## КАЛЛАНИ ИШЛАТИШ КЕРАК

Машхур актёр Аброр Ҳидоятлов гоҳ ижод билан ҳам шуғулланиб турарди. Кунлардан бир куни унинг пьесаси асосида «Аваз» спектакли намойиш этилаётганди. Унда роль ижро этаётган Аброр Ҳидоятлов шундай маҳорат билан ашула айтиб, рақсга тўшадики, саҳна гулларга тўлиб кетади. Олқишлардан зал ларзага келади. Шунда Миршоҳид ака

саҳнага югуриб чиқиб, Аброр акани кучоқлаб табрикламоқчи бўлади. Аммо бўйи етмай қолади. Жусасанинг кичиклиги панд беради. Бир лаҳза ноқулай вазият юзага келгандай бўлади. Миршоҳид ака ўзини йўқотмайди. Дарров залдан стул олиб чиқиб, устига дадил чиқади ва Аброр акани бўйнидан кучоқлар экан, томошабинларга ўгирилиб, шундай дейди:

– Бўйинни эмас, каллани ишлатиш керак! Каллани!

Актёрнинг топқирлигидан завқланган мухлислар хаҳолаб кулиб юбордилар.

## ҚАРИНДОШЛАР

Тили заҳарлиги, маҳмадонлиги билан отнинг қашқаси бўлиб қолган бир аёл кўчада Юсуфжон қизиқни учратиб, бидирлай кетди:

– Қаранг, Юсуфжон ака, кеча уйғонибоқ чап томонимга ўгирилсам, икки қаричча келадиган олачипор илон ёнимда кулча бўлиб ётибди. Жон-поним чиқиб кетаёзди.

– Ишқилиб, чақмадими?  
– Хайриятки, чақмади.  
– Тушунарли, – дейди қизиқ кулимсираб, – илонлар яқин қариндошларини чақмайди.

## ОБРЎНИ КЎРИБ ҚЎЙИШСИН

Охунжон қизиқ бир раиснинг тўйида меъёридан ортиқроқ «отиб» қўйиб, кайфи ошиб қолади. Раис ҳайдовчисига меҳмонни иззат-ҳурмат билан уйига элтиб қўйишни буюради.

Машинада чайқалиб, аранг ўтирган қизиқчи маҳалласига яқинлашгач, бирдан сергак тортиб, шундай дейди:

– Сигналингни чалвор, болам, қаттиқроқ чал!

– Ие, тинчликми, Охунжон ака? – дейди ҳайдовчи ҳайрон бўлиб.

– Тўйларда шунча ичиб, маст бўлиб келганимда мени доимо замбилда кўтариб келишарди. Одамлар бир гал обрў билан келганимни ҳам кўриб қўйишсин! Тушундингми? Чалақол энди.

Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

## “TUTINGAN” O‘G‘IL

Amal kursisida o‘tirganingda kim eng ko‘p tovoningni yalasa, kursidan tushganingda o‘sha birinchi bo‘lib sendan yuz o‘giradi, deganlari qanchalik to‘g‘ri ekaniga o‘zim ishonch hosil qildim.

Bir qadrdonim bor edi. Kunora qo‘ng‘iroq qilib, haftada kelib turar, shifoxonaga tushib qolsam, “ovora bo‘lmang”, deyishimga qaramay, hammadan avval yetib borar, ta‘til paytida O‘zbekistonning qaysi burchagida dam olmay, topib borar, “bir cho‘qingina” osh qilmasa, ko‘ngli joyiga tushmas edi... Bunisi ham mayli, ikki gapning birida “men sizni otam deganman, siz mening otamsiz”, deb Xudoni o‘rtaga solib qasam ichardi...

Mansabim jinday o‘zgargan edi, “bolam”ni yo‘qotib qo‘ydim. Surishtirsam, boshqa “ota” izlab yurgan ekan...

O‘tkir HOSHIMOV

## YIRTIQ PAYPOQ

Hassaga tayanib zo‘rg‘a yurayotgan otasini bog‘da aylantirishga olib kelganidan g‘ururlanib ketayotgan bashang kiyingan ayol katta miqdordagi pul haqida gapirib kimlargadir buyruq berar, odamlar esa bir “Dada, tezroq yuring”, deya qistayotgan bashang kiyingan ayolga, bir oyog‘idagi orqasi ochiq poyabzalidan paypog‘i, paypog‘ining yirtig‘idan esa tovonni ko‘rinib turgan, yupun kiyinganidan sovuqda qaltirayotgan cholga hayratlanib tikilishardi.

Saida IBODINOVA

@Vatanparvargazetasi\_bot  
“Vatanparvar” birlashgan tahririyati bilan bog‘lanish uchun telegram bot



SHU SONNING  
ELEKTRON SHAKLI

